**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги**

**Тошкент автомобиль ва йўллар институти**

**«Иқтисодиёт» кафедраси**

# «Иқтисодий таълимотлар тарихи»

фанидан маърузалар матни

**Тошкент-2001**

# Аннотация

**«Иктисодий таьминотлар тарихи» фанидан тайёрланган маьрузалар матни «Иктисодиёт» ва «Маркетинг» ихтисослигини бакалавр даражасидаги талабаларга мулжалланган булиб, бу фан инсоният тарихининг энг кадимги давридан бошлаб то хозирги замонгача вужудга келаган асосий иктисодий фикр, гоя, кураш, назария ва таьлимотиларини уз ичига олаиди . Ана шу иктисодий фикр, гояларини хар томонлама урганиш, тахлил этиш, улар орасидан умумбашарий ахамиятга эгаларини ажратиб олиш, хозирги даврда татбик этиш хам амалий хам назарий фойдалидир, чунки уларда куп йиллик тажриба мужасамлашгандир. Шунингдек матнда Урта Осиёда дастлабки уйгониш, марккантилизм таьлимоти, классик иутисодий мактаб вакиллари, маржинализм иктисодий йуналиш ва хозирги замон иктисодий таьлимотлари кенг ёритилган**


**Тузувчи: катта укитувчи**
**Ишмуротова Р.**

**Такризчи: Тошкент Иктисодиёт**
**Университетининг ка**
**федра мудири, И. Ф. Д.**
**профессор Ш. Шодмонов**



**Маърузалар матни «Иктисодиёт»**
**кафедрасида мухокама килиниб**
**килиниб тавсия этилади**
**Баённома № 14 19. 02. 2001 й**

**ТОШКЕНТ-2001**

# Мундаража

Мавзу-1. Иктисодий таълимотлар тарихи фанининг предмети ва услуби .....1-8
Мавзу-2. Урта Осиёда дастлабки уйгониш....................................................9-13
Мавзу-3. Меркотилизм иктисодий таълимоти...............................................14-19
Мавзу-4. Англия ва Францияда классик иктисодий мактабнинг вужудга келиши.............................................................................................................20-24
Мавзу-5. Физиократизм иктисодий таълимоти.............................................26-29
Мавзу-6. Адам Смит ва Давид Рикардонинг иктисодий таълимотлари.........30-38
Мавзу-7. Капитализм майда буржуача танкиднинг вужудга келиши............39-44
Мавзу-8. Классик иктисодий мактабга альтернатив гоялар пайдо булиши....45-51
Мавзу-9. Гарбий Европа хаёлий социалистларининг иктисодий таълимотлари.................................................................................................52-62
Мавзу-10. XX асрохири XX асрлардаги иктисодий таълимотлар. Маржеанализм иктисодий йуналиши...........................................................................63-71
Мавзу-11. Хозирги замон иктисодий таълимотларнинг асосий йуналишлари...............................................................................................72-79
Мавзу-12. Узбекистонда эркин бозор иктисодиётини яратишнинг концепциялари ва унинг шакллари.................................................................80-87

1-Мавзу.

«Иктисодиёт таьлимотлар тарихи»
фанининг придмети ва услуби.
Режа(4 соат):

1. Иктисодиёт таьлимотлари тарихи фанининг предмети, услуби ва ахамияти.
2. Кадимги дунё иктисодий таьлимотлари.
3. Кадимги Юнонистондаги иктисодий гоялар.
4. Феодал жамияти ва феодализмнинг емирилиш давридаги иктисодий таьлимотлар.

Таянч суз ва иборалари:

1. «Архашастра»-Хиндистондаги иктисодий гояларни акс эттирувчи кадимги ёдгорлик асар.
2. «Авесто»-зардуштийлик динининг (исломгача) мукаддас китоби.
3. Товар- олди-сотди учун ишлаб чикарилган махсулот.

Реферат мавзулари.

1. Аристотель иктисодий таьлимоти.
2. Пиатоннинг иктисодий карашлари.
3. «Авесто»нинг ёзилиши ва таркалиши.

Асосий адабиётлар.

1. «Иктисодий таьлимотлар тарихи» Тошкент «фан» Укув кулланма. 1997.
2. М.Махмудов. Хоразм-«Авесто»нинг ватани. Тошкент-2000 й.

## 1. «Иктисодий таьлимотлар тарихи» фанининг предмети ва услуби.

Ватанимиз истикболи ёшлар кулида экан, уларни иктисодий билимлар билан куроллантириш хозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир, шу сабабли иктисодиёт фанининг ажралмас ва таркибий кисми булган иктисоди таьлимотлар тарихини урганиш бугунги кунда катта назарий, амалий ва тарбиявий ахамият касб этади.

Иктисодиётни урганишни тарихдан бошламок керак, бу эса бугунги ва эртанги кун муаммоларини хал этишда утган донишмандларнинг фикр, мулохазаларидан имкониятини беради. Тарихий тажриба кимматлидир.

«Иктисодий таьлимотлар тарихи» 1990 йилдан бошлаб олий укув юртларига кайтадан укитила бошлади.

Хозирги даврда Узбекистон Республикасидаги 60 га якин Олий укув юртларининг купчилигида «Иктисодий таьлимотлар тарихи» иктисодий зарур фан сифатида укитилмокда.

Инсоният узининг куп минг йиллик тарихи давомида катта иктисодий ва ижтимоий тараккиёт йулини босиб утган. Тараккиётнинг хар бир боскичида у ёки бу мамлакатда айрим шахслар томонидан иктисодиётга молик фикр, гоя, назария концепциялар илгари сурилган ва амалга оширилган, айрим холларда шулар туфайли давлат ва халкларравнак топган, баьзида улар тушкунликка учраганлар.

Маьлум даврлардаги у ёки бу синфлар ижтимоий катламлар, инсонлар манфаатини ифода этувчи иктисодий гояларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва алмашинувининг тарихий жараёни «Иктисодий таьлимотлар тарихи» фанининг предмети хисобланади.

«Иктисодий таьлимотлар тарихи» мустакил фан сифатидан инсоният тарихининг энг кадимги даврридан бошлаб, то хозирги замонгача вужудга келган асосий иктисодий фикр, гоя, караш, назария ва таьлимотларни уз ичига олади. Ана шу иктисодий фикр, гояларни хар

томонлама урганиш тахлил этиш улар орасидан умумбашарий ахамиятга эгаларни ажратиб олиш, хозирги даврда тадбик этиш хам амалий, хам назарий фойдалийдир, чунки уларда куп йиллик тажриба мужассамлашгандир.

«Иктисодий таьлимотлар тарихи» фанини урганиш методологияси асосида тарихийлик, обьективия ва деаликтик усул ётади.

Бу фанни урганишда тарихни маьлум даврлаш тизмидан фойдаланилади, хозирги энг анакбул усул тарихни формационо даврлашдир, яьни ижтимоий-иктисодий формацияларга ажратишдир. Кулдарлик ва фиодализм гоялари синграцияси жуда кийин булган, шунинг учун даврлардаги иктисодий фикрларни мамлакатлар микиёсида алохида-алохида урганиш мумкин.

Яни бир мухим масала шуки, аввал юзага келган иктисодий гояларга шу кунги улчовлар билан бахо берилган ва одатда илгари гоядаги «хато» ва «камчиликлар» аникланиб, янги гоянинг авзаллиги «исботланади». Бунда диаликтик мантик бор албатта, лекин аввалги гоялар туфайли янги гоялар юзага келади, шунинг учун бу гоя «яхши» униси «ёмон» деб бахолаш адолатдан эмас.

2. Кадимги дунёнинг иктисодий таьлимотлари.

Иктисодий гояларнинг шаклланиши инсониятнинг пайдо булиши билан бшланган. Инсоният тарихи давомида жуда куп иктисодиётга оид фикрлар, гоялар олга сурилган. Аммо хозирги пайтда бизгача сакланиб колган кадимги кулёзмаларда ас эттирилган холларгина тахлил килинган. Шу сабабли иктисодий таьлимотлар тарихикулдорлик жамияти пайдо булиши билан бошланади. Кулчилик инсоният тарихида катта кадам ва цивилизация ривожида улкан тарракиётга булди.

Иктисодий фан манбаларини аввало жахон цивилизациясининг бешиги булган кадимий шаркдан изламок мантикан тугридир. Бизгача етиб кеган энг кадимий кулёзмалардан бири хиндистондаги иктисодий гояларни акс эттириувчи кадимги ёдгорлик «Артхашастра»дир (эраимздан аввалги 4-3 асрлар) «Архашастра» кадимги хинд маданиятининг ноёб ёдгорлигидир. «Архашастра» лугавий маьноси буйича фойда, амалий хаёт тугрисидаги фан. «Архашастра» кулдорлик тузимини емирилиши ва феодализм муносабатларини шаклланиши даврини акс эттиради. Бу кадимий ёдгорликда кулчиликни мустахкамлаш асосий вазифа килиб

куйилган. Бу асар подшолар, хукумдорларга давлатларни бошкаришда фойдаланишлари учун берилган бир катор насихат ва конунлар мужмуаси сифатида ёзилган, унда бир канча иктисодий гоялар хам олдинга сурилган.

Хиндистон дехкочилик мамлакати булган учун мухим булган сугориш тизмига катта ахамият бериган.

«Архашастра» савдо хакидаги таьлимот дехкончилик ва чорвачилик хакидаги таьлимот билан биргаликда иктисодиётнинг бир таркидий кисми сифатида курилади.

«Савдо-сотикни купайтириш» давлат хазинасини бойитишга олиб борувчи восита деб такидланади.

«Архашастра» умуман давлат мамлакатнинг ишлаб чикарувчи кучларини ривожлантиришни рагбатлантириш керак деган фикр марказий уринни эгаллайди.

Йирик олимларнинг тадкикотларига кура Урта Осиёда халклар томонидан яратилган Зардушти таьлимотининг мукаддас китоби «Овесто» да хам мухим иктисодий фикрлар баён этилган. «Овесто» Урта Осиё, Эран, Озарбайжон халкларининг кадими даврда ижтимоий-иктисодий хаёти, диний карашлари, олам тугрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маьнавий, маданиятни уранишда ягона ва мухим манбадир. «Овесто» асари ака-укалар яьни эзгулик худоси
-ахурамазда билан ёвузлик худоси -ахриманинг узаро мутасил курашига асосланади.

3. Кадимги Юнонистондаги иктисодий гоялар.

Кадимги Грецияда иктисодий карашлар тобора реакционлашиб, давлатни аристокрациани химоялаб натурал хужаликни ёклаш йулини танлайди, яьни синфий характерга эга булиб боради. Бу йуналиш Ксенофонтнинг иктисодий карашларида яккол намойн булди. Ксенофонтнинг икисодий карашларида яккол намоен булди. ксенонфонт эр. Ав. 430 йилларда тугилиб эр. Ав. 355 вафот этган.

Ксенофонтнинг ижтимоийи келиб чикилган афина кулдор аристократларда булиб, купчилики табиий обьектив жараён деб бахолайди. Кул мехнатига асосланган натуралхужаликни улуглайди.
Иктисодий масалаларга багишланган асосий асари «Домострой», кулдорлик хужалигини ташкил килиш буйича дастурий амал булиб хисобланган. Ксенофонт хужаликни окилона бошкариш-тарафдори булган.

Ксенофонтнинг фикрига юойишининг бирдан-бир йули бу исрофгарчиликка йул куймасдан яшашдир.

Платон- кадимги грек файласуфи, антик мафкуранинг йирик намаёндкасидир.

Платон эр. ав. 427 йилда аристокрацияси оиласида тугилган, эр ав. 347 й. Вафот этган. Платон (Афлотун) «Давлат» ва «канунлар» асарида икки хил давлат тасвирини кутариб чикади: бири идеаб давлат тасвири, иккинчиси уз даври давлатига якин булган давлат тасвири. Платоннинг идеал давлат асосини мехнат таксимоти ташкил этади. Унинг фикрига инсонлар уз кобилятлари буйича турличадир. Шунинг учун у идеал давлат ахолисини уч тоифага ажратади: 1) файласуфлар -давлатни бошкарувчилар; 2)харбийлар; 3)хунатмандлар ва майда савдогарлар.

Куллар Платоннинг идеал давлатида бу тоифадан ташкари булиб, сузлашишни биладиган ишлаб чикариш куроллари сифатида курилади. Платон идеал давлатида садога йул куйяди, фукаролар уз эхтиёжларини кондиришлари учун мехнат махсулотларини айрибошлашлари зарур деб топади.

Платон кулчиликка асосланган натурал хужаликни химоя килиб, узининг идеал, бекаму-куст давлатни барпо этади ва кулчиликни абадий саклаш тарафдори эди.

Аристотель Антик дунё иктисодий таффакурининг энг йирик намаёндасидир. Аристотель кадимги Грециядаги кулдорларнинг энг йирик мафкурачиси эди. У Стагира шахрида эр.ав. 384 цилда тугилиб, эр. ав. 322й. вафот этган. Унинг отаси сарой табиби булган. Аристотель 17 ёшида Афинадаги Платон Академиясига кирди. Олимнинг иктисодий гоялари «Никомак ахлоки» ва «Сиосат» асарларида мавжуд. Унинг иктисодий фикрларини жамиятни кулдорлар ва кулларга булиниши табиий хол деб тушунишга асосланади.Кул-тирик курол, «кандай тирик мулк», кул уз хужайинининг бир кисми деган фикрни билдиради. Аристотель ой кономия термини киритган, кадимги грекларда ойконолия - бу уйни хужаликни юритиш хакидаги насихатлари, маслахатлар мавжудир.

Олимнинг хизматларидан бири шундан иборатки, у савдонинг турли куринишлари ва савдони бир турдан бошкасига утиб туриш жараёнини тахлил этиб берган. Аристотель савдони, муомалан ривожининг боскичларини тахлил этар экан умумий равишда Т-Тдан Т-П-Тдан П-Т-П га утишини курсатиб берди.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, кадимги грек олимлари натурал хужалик мафкурачилари эдилар. Шу билан бирга кулдорлик тузиш шароитида товар кул муносабатларини тахлил этиб, уларга катор сиёсий-иктисодий категорияларини тахлил этиб, уларга бир катор сиёсий иктисодий категорияларни тахлил этиш имконини берди. ШУ билан илмий билишнинг янги тармоги иктисодий фанга асос солинди.

4. Феодализм ва веодал жамияти емирилиши
давридаги иктисодий таълимотлар.

Янги эра- милоднинг 3 асридан бошлаб осиёда, милоднинг асри дан гарбий Европада кулдорлик тузуми янги феодал ишлаб чикариш усули билан алмашади. Кулга нисбатан эркин дехкон ишлаб чика рищдан хийла манфаатдор булган, узининг оиласи айрим ишлаб чикариш воситаларига хужалик мустакиллигига эга эди, шу сабабли мехнат унумдорлиги ва ишлаб чикариш кучлари анча усди. Феода лизм шу жихатдан аввалги ибтидоий жамоа ва кулдорлик тарихан прорессив жамият эди.

Шарк мамлакатларда феодал муносабатлар III-VIII асрларда шакллана бошлади. Илк феодал муносабатлар ва шу даврдаги икти содий гояларнинг асоси Куръони Каримда VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида Арабистонда феодал муносабатларнинг шакллан иши туфайли ягона давлат барпо этишга давлат кучайди.

Ислом таълимоти пайгамбаримиз Мухаммад Алайхиссаломга алокали Оллох таоло томонидан нозил килинган Куръони Каримда мутассамланган Куръони Каримдаги асосий гоялардан бири барча мусулмонларнинг кардошлиги булиб, араб кабилалари шу байрок атрофида бирлашди. Халол мехнат, дехкон, хунармандлар мехнати улугланди, барча бойлик шу асосда  пайдо булиши уктирилди.

Шарк иктисодий тафаккурининг ривожланиши араб мутафаккурини Ибн Холдун Абдурахмон Абу Зайд (1332-1405) нинг хиссаси катта. Тунисда тугилган 1382 йили Кохирага келиб мударрис лик килган, кейнрок кози булган, Асосий асари «Китоб -ул -ибор» (ибратли мисоллар китоби-1370 йил). У биринчилардан булиб, тари хий ижтимоий тараккиётнинг моддий тамойилларига асосланиши хакида фикр  юритади.  У «Одамнинг келиб чикиши мехнатнинг урни» ни очиб беришга харакат килган. Хунармандчиликнинг, фан ва

санъатнинг ривожи бевосита «Мехнат унумдорлигининг усиши» билан боглик дейди. «Оддий» ва «Мураккаб» мехнат фаркланган мехнат булмаса, буюм хам булмас эди, деган мухим хулоса чика рилда. Олим фикрларида «Зарурий» ва «Кушимча махсулот», «Зарурий ва кушимча мехнат» тушунчалари фаркланади. У товар нинг «Исътемол киймати» ва «киймат» тушунчаларини таърифлайди. Товар- пул муносабатлари тахлил этилган нархлар бозорга олиб чика рилган товарлар массаси (талаб таклиф) га богликлиг айтилган. Солик тизими тартибга солиш кераклиги кайд этилди, унингча солик пасайиши ижтимоий хаётни юксалтиради.

## 2- Мавзу. Урта Осиёда дастлабки уйгониш.

Режа (2-соат)

1. Урта Осиёдаги дастлабки иктисодий гоялар.
2. Амир Темур ва темурийлар давридаги иктисодий карашлар

Реферат мавзулар.

1. Урта Осиёда дастлабки уйгониш даврининг илгор мутафаккирлари.
2. Ислом динидаги Иктисодий гоялар.
3. А Навоийнинг иктисодий карашлари.

Асосий адабиётлар.


1. Иктисодий таълимотлар тарихи. Укув кулланма. Тошкент.фан 1997.
2. Ядгоров Я. С. «История экономических учений» М. 1997 г
3. Узбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 2000 й.


«Китоб-уш -шифо» асарида баён этилган Ибн Сино фалсафаси тархида бутун бир даврни ташкил этади. Бирок «Тиб конунлари» Комусий асари унга жахон микёсида шоншухрат келтиради.

Инб Сино фикрига: «Хайвон табиат неъматларига каноат килади, одамларга эса табиат неъматлари камлик килади, у овкат, кийим-кечак ва уй-жой эхтиёт сезади. Хайвон табиат неъматларини узлаштириб олади, одам эса уз мехнати билан узига овкат, кийим, той ва хунармандчилик билан шугулланиши керак»

Форобий Урта Осиёлик буюк комусчи олим. Унинг исми - Абу Наср Мухаммад Ибн Узлуг Тархон Фаробий. (873-950) У Фароб- хозирги Козогистон Чимкент областининг Арис шахри якинида

тугилган  отаси турк кабилаларидан булиб, Харбий  хизматчи эди. Дастлабки маълумотни у уз она юртида Тошкент (Шош), Бухоро  ва Самарканд шахарларида олган. Кейинчалик илм иштиёки даврнинг илмий маркази  Богдодга етаклаган. Фаробий урта аср фанларининг турли сохаларига доир (160 га якин асар ёзган). Уни купрок билимларнинг назарий ва фалсафий жихатлари кизиктирга. У «Илмларнинг келиб чикиши  ва  таснифи» номли асарида урта асрларда мавжуд булган 30 дан ортик фаннинг таърифини беради ва уларнинг хар бирининг тутган урни хакида гапиради.

Фарбий бундан ташкари математикага доир анчагина асарлар ёзган. «Хажга ва микдор хакида суз», «Фазо геометриясига кирим хакида кискаришга китоб», «Татбиклар китоби» шулар жумласидандир. Юсуф хос Хожиб асли исми Юсуф Балосучин Еттисув улкасидаги (Болосочин) Шахрида1016- 1018 йиллар орасида дунёга келди. Бу даврда Еттисув ва Шаркий Туркистон улкалари туркий карлук кабиласидан чиккан. Юсуф Хос Хожиб араб ва форс тилларини мукаммал билган. У адабиёт ва иктисодга уз хиссасини кушган.

Шоиро хакида маълумотлар куп эмас. «Кутадгу билиг» асарини 50 ёшларида хорижий 462 йили (1069-1070) ёзиб тугатган. У одамга фойдаси, тегмайдиган одам улик, эссиз  утган умр эмас, эссиз сарфланган «мехнат» дейди. Адолат тантанаси учун уз умрини багишлаш унинг бош йунилиши булиб колади.

«»кутадгу билиг» китоби халк учун эмас, биринчи навбатда, хокон ва беклар яъни юртнинг хукумдорлари учун атаб ёзилгандир. Уша давр учун Юсуф Хос Хожибнинг асасрларига юксак бахо берилди ва хозирги кунда хам уз урнини йукотмади.

Уша даврда «Буюк ипак» йулининг мавжудлиги турли хил сохаларда уз аксини топди ва илм, савдо-сотикни ривожланишига сабаб булди. Урта Осиёдаги уйгониш даврида оламга машхур донишмандалар етишиб чикди, уларнинг фаолиятида иктисодиёт масалалари мухим урин эгаллайди.

## 2. Амир Темур ва Тумурийлар давридаги иктисодий карашлар.

Амир Темур (1336-1405) давлат ва иктисодиётни бошкаришда узига хос мактаб яратганди. Сохибкирон давлатида девони бузрук

(бош вазир) дан ташкари хар бир вилоятда Девон дейилувчи бошкарма булган.

У давлатининг буткул ишларини солик йигиш, тартиб саклашни, ижтимоий бинолар бозорлар, хаммомлар, йуллар, сув иншоатлар тармокларини назорат килар эди.

Халкнинг хулк - ахлоки кузатиб туриларди унинг ходимлари вакти-вакти билан сурок, текишриш, тавтиш ва тергов ишларини олиб боришарди. Айникса тошу-тарози тортилиши, одил бахо текширилган, каллоб ва товламачилар катъий жазоланган, энг мухими бу иш туппа-тугри бозорда халк олдида амалга оширилган.

Амир Темур, каттаю - кичик хар бир шахар, хар бир кишлокда масжид, мадраса ва хонакоклар, бино курилиши, факируз масканларига лангархона (йуловчилар куниб утадиган, камбагал етим - есирларга овкат бериладиган жой) гарибхона куришни, касаллар учуншифохона бунёд этишни ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлашни буюрган эди.

Амир Темур Англия ва Фарангистон киролларига мурожат килиб, халкаро савдо алокаларни риувожлантирди. Марказий Осиё оркали утадиган Буюк ипак йулида карвонларнинг хавфсизлигини таьминлади. Машрикдан магрибгача булган савдо-сотик ишларини кучайтириб, турли ривоятлар, карвонсаройлар, савдо расталари курдирган.

Амир Темурнинг давлати ва иктисодиётидаги асосий фикрлари «Темур тузуклари»да тула баён этилган. Тузуклар Амир Темурнинг (1342-1405) йиллар оралигидаги фаолиятини акс эттиради ва икки кисмдан иборат.

Биринчи кисимда асосан ягона давлат барпо этиш, уни мустахкамлаш, кушни (27) юрт ва мамлакатларни забт этиш масалалари ёритилган булса иккинчи кисмда сохибкирон номидан айтилган узига хос вазият, панд-насихат, турли сохалардаги, шу жумладан ижтимоий-иктисодиётга оид фикр-мулохазалар киритилган. Дингаалохида этибор бериб, масжидга, дин ахлига вакф ва суюрган (инъон) ажратилган. Юртни обод килишга куп куч ва маблаг сарфланган.

Шу нарса аёнки, Амир Темур айникса, савдо ривожига алохида ахамият берган. Унинг даврида бир кунлик карвон йулидабарча нарсалар мухаё этилган, карокчилар каттик жазоланган.

Амир Темур вафотидан кейин Шохрух ва Улугбек (1394-1449) подшолиги (1409-1449) даврда иктисодиёт яхши ривожланди.

Айникса кушни мамлакатлар билан  савдо-сотик муносабатлари усди.

1428 йилда Улугбек томонодан утказилган пул ислохати билан богликдир. Жамиятда пулнинг ахамиятини яхши тушунган холда унинг кадр-кимматини ошириш учун харакат килинган.

Буюк мутафаккир Алишер новоий ижодида хам иктисодий гоялар мухим урин эгаллайди. Унинг асарларида ва фаолиятида айникса тижорат, савдо масалалари анча мукаммал ёритилган. Алишер новоин асараларида  савдогарлик иши маъкулланди, лекин товламачилик ва чайковчилик каттик танкид килинди. Алишер Навоий давлат арбоби сифатида мамлакатни тинч саклаш, ободонлаштириш ишига катта хисса кушди.

Алишер Навоий узи ишлаб булмаса-да, уз аклий ва ижодий мехнати билан жамият учун керакли булган табакаларни эьзозлайди, олимлар, табиблар, шоирлар, мухандислар ва бошкаларни жамият учун зарур катламдир дейди, ана шу касб эгаларини уз маъсулияти ва бурчларини сезишга чакиради.

3-Мавзу

## **Меркантилизм иктисодиёт таьлимоти.**

Режа:

Меркантилизм иктисодий таьлимотининг мазмуни.

Меркантилизм иктисодий таьлимотининг такдири.

Меркантилизм ва хозирги замон.

Таянч суз иборалари.

Меркантилизм- италянча суз булиб, савдогар маьсони билдиради.

Меркантилизм- италянча«кул махсулоти» дегани, мехнат таксимоти, кул хунармандчилиги ва ёлланма мехнатга асосланган оддий капиталистик кооперациядан кейинги иккинчи боскич.

Реферат мавзулари.

Меркантилизм иктисодий таьлимоти.

Меркантилизм ва хозирги замон.

Асосий адабиётлар.

1. «Иктисодий таьлимотлар тарихи» укув кулланма. Тошкент «фан» 1997й.
2. Ядгаров Я.С. «История экономическая учений» М. 1997 год.
3. Узбекистон миллий энциклопедияси. Ташкент 2000 й.

1. «Маркетилизм» ибораси биринчи булиб, А.Смитнинг асарларида уз ифодасини топди. Бу суз италиянча булиб, «садогар» маьносини билдиради. Узок йиллар давомида бойликни халк моддий фаровонлиги асоси мехнат, ер, дехкончилик, чорвачилик, хунармандчиликга деб келинар эди. Лекин XIVасрлар келиб ахоли кескин узгарди. Бутаьлимотнинг келиб чикишига бир канча социал-муносабатлар иктисодий сабаблар туртки булди. Аввало феодализм тузумининг емирилиши, товар-пул муносабатнинг усиши, фан маданиятнинг ривожи, айникса ерланинг очилиши, мустамлака тизимининг пайдо булиши савдо сотик тизимига туртки булди. Ноэквивалент савдо туфайли метрополия колониялар хисобига бекиёс бойиди. Меркантилизм синфий жихатдан савдо капиталини химоя килди. Пул вазифасини бажарган нолир метеллар кучи хаммани оёкка тургизди.

Меркантилистик сиёсат хам ишлаб чикилди. Унинг бош вазифасини давлатга купрок олтин ва кумуш келтириш деб аникланади.

Меркантилизм ривожида икки даврни англатиш мумкин:

1. Илк меркантилизм ёки монетаризм (15-16).
2. Ривожланган меркантилизм ёки мануфактура.

Биринчи давр уша давр ибораси билан айтганда монетар, яьни кумуш пуллар туплаш билан боглик эди. Бунда пул баланси сиёсати олиб борилган, четдан имкон борича кам тайёр товар сотиб олишга уринишган. Кимматбахо металлни четга олиб кетиш такикланган. Чет

эллик савдогарларни эса пулни хаммасига янги товар сотиб олишга мажбур килинган.

Бу сиёсат назорат кучли белишини талаб килинган. Меркантилистлар илмий дунё карашининг етакчи тамойиллари куйдагилар: олтин ва кимматбахо металлар бойликнинг асоси сифатида каралади. Мамлакатда олтин ва кумушларнинг олиб келишни таьминлаш максадида ташки савдони тартибга солиш, арзон хом ашёни импорт килиш йули билан саноат куллаб кувватлаш, экспорт рагбатлантириш, иш хакини паст даражада ушлаб туриш, тайёр молларни бошка мамлакатларга олиб борилиб, кимматга пулланган.

Ноэквивалент алмашинув окибатида метрополия бойиб борилган. Бу сохада Англия юксак ютукларни куога киритган.

Илк меркантилизм даврида чакалар атайлаб ишлаб чикарилган. Бу пуллар билан факат ички савдо обороти олиб бориш мумкин булган.

Ривожланган меркантилизм XVI асрнинг иккинчи яримида пайдо булди ва XVII асрнинг урталарида асосан Англияда авж олди. Унинг фикрича пул П-Т-П хар бир савдо капиталисти уз пулини маьлум фойида олиш учун оборотга куяди. Шундай пул билан, яьни савдо йули билан бойиш керак. Товар чикариш микдори уни киритишдан ортик булиши керак. Ишлаб чикаришни ривож савдони кенгайтириш воситаси сифатида каралади. Сафдо балансини ошириш учун ишлабчикариш харакатини камайтиришга эьтибор берилди, бунда-навбатда ёлланма ишчиларни иш хакини чеклаш ва умуман халкнинг турмуш даражасини пасайтириш керак деб топилди. Иш хакини чеклаш зарурлиги гоявий асосда хал этилди.

Арасту, Ибн холдун ва бошка олимларга тегишли булган эквивалент алмашув тамойили меркатилистларга ет эди.

Мекантилизм капиталистик ишлаб чикаришнинг 1-таьлимоти эди. Меркантилистлар 1- марта бойлик сифатида исьтемол кийматини эмас, балки алмашув кийматини кабул килдилар.

Хуллас меркантилистлар кийматининг мехнат назарияси анча узокда эдилар. Меркантилизм сиёсат капиталининг дастлабки жамгарилишини ва демак фиодализмдан капитализмга утишини тезлаштирадилар.

2. 18-Асрнинг охирида меркантилизм иктисодий таьлимот йуналиши сифатида тарих сахнаисдан тушди. Бу таьлимотнинг

хатоларини классик мактаб вакиллари, хатто айрим меркантилистлар хам тан олиди.

Уша даврда олимларнинг фикрича мамлакат бойлиги олтин ва кумуш захираларидангина иборат булмай, ер, курилиш ва бошка куплаб истемол молларидан иборатдир. Актив совдо баланси факат вактинча самара беради. Классик мактаб вакиллари меркантилистлари каттик танкид остига олидилар ва хукумат асрлар давомида сакланиб колди.

Меркантилизм гояларини амалда жорий килиш кандай окибатларга олиб келиши мумкинлигини Жон Ло тирихий тажрибаси мисолида ибратлидир.

«Пул савдони рагбатлантиради» доктринасини энг юкори даражага когоз пул марканталисти Жон Ло (1671-1729)нинг гоялари ва фаолияти диккатига сазовордир. Унинг «Пул ва савдо тахлил 1705-йилги асаридаги туб гоя бахоларида фойда хисасини оширишга ва пулнинг купайиши хозирги узига тук одамларни тадбирга жалб этади» деган фикр асосига куйилади.

Жон Ло Шотландиянинг Эдинбург шахрида заргар ойласида тугилди, унинг отаси пулларни фоиз хисобига карзга берар эди. Лондонда булган вактида банк ишини яхши урганади. 1694 йилда биринчи банк юзага келади. Кредит капитал ишлаб чикаришда, унинг ривожи жуда мухимдир. Ло биринчилардан булиб буни тушуниб етди.

Лонинг молиявий гояси кредит-молия сохаси ва давлатнинг иктисодга аралашуви йули билан хужаликни ривожлантиришдир. бу гоя хозирги таьлимотлар йуналишидан биридир.

## Меркантилизм ва хозирги замон.

20-аср давлат монопалистик капитализми тивожи билан давлатнинг иктисодиётдаги роли тобора ошиб боради. Инкирозлар тез-тез такрорланиб турди. Айникса, 1929-1933 йиллардаги иктисодий инкироз бутун дунёни ларзага солди. Шу даврда Ж.М. Кейнс номи билан боглик таьлимот юзага келди. У «меркантилизм тугрисидаги мулохазалар» ва «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936) номли асарларида меркантилизм айрим гояларни куллайди, унда «Амалий донолик» куртаклари борлиги такидланади.

Умуман Ж.М. Кейнс мавжуд шароитларида классик мактаб ва акидалар иш бермаслиини такидлайди, яьни бозор муносабатлари автоматик равишда барча зиддиятларни хал эта олмайди. Шу сабабли давлатнинг иктисодиётга фаол иштирок этиши таклиф этилади. Меркантилизмнинг айрим мамлакатлардаги куриниши милий хусусият касб этган. Бу таьлимот янги тугилаётган жамиятни капитализм ривожи учун ижобий прогрессив характерга эга булди. Капиталнинг дастлабки жамгарилишига имкон яратди, мусталлакачилик тизимини куллаб куватлади, товар-пул муомаласи ривожига олиб келди, Молия тизмининг ривожи туфайли иктисодиёт жонланди. Меркантилизм таьлимотида давлат иктисодиётни фаол иштирок этиши шарт, шунга оид иктисодий сиёсат хам юзага келди. Меркантилизм тарихи чекланган булса хам таьлимотлар тарихидан муносиб урин эгаллайди. меркантилизм молия тизими ва савдо ривожига мухим хисса кушди.

4-мавзу. Англия ва Францияда классик иктисодий мактабнинг вужудга келиши.

# *режа:*

1. Классик иктисодий мактаб пайдо булишининг тарихи шарт шароитлари ва унинг умумий характеристика
2. В. Петти Англия классик иктисоий мактабининг асосчиси
3. Францияда классик иктисодий мактабнинг вужудга келиши Пьер Буагильбернинг иктисодий гоялар.

## Таянч суз иборалари.

1. Петти Вилъям - (1623-1687) Ангилия классик иктисодий мактабининг асосчиси.

2.Буагилбер Пьер - (1646-1714) Франция классик иктисодий мактабининг асосчиси.
3.Конкрет мехнат - аник нарсани, истеьмол кийматини яратади.
4.Алмашув киймати - махсулот алмашса ёки сотилса юзага чикади.

# Асосий адабиётлар.


1.«ИКТисодий таьлимотлар тарихи» укув кулланма. Тошкент.Фап.1997

2. Иктисодиёт асослари. А. Улмасов Тошкент. «Узбекистон» 1998

3. Бозор иктисодиёти асослари. М.Расулов. Т. Узбекистон 1999


1.Меркантилизм урнига классик буржуа иуктисодий мактаби вужудга келди. Унинг намоёндалариуз илмий тадкикотларининг асоси килиб кишилардан ишлаб чикариш сохасини олдилар ва капитализмни илмий тахлил килиш буйича мухим дастлабки кадамни куйдилар. Классик буржуа иктисодиёти ишлаб чикаришни капиталистик усули шаклланаётган ва мустахкамланган даврда вужудга келди. Капитализм айрим мамлакатларда тарихий шарт шароитларга мос равишда феодал муносабатларнинг шаклланганлик даражасига караб турлича ривожланади. Бу жараёнлар дастлаб 16 асрда Англияда руй бера бошлади. феодализм емирилиб, унинг заминида капиталистик муносабатлар шакллана бошлади.

Англия иктисодиётида буржуанинг бойишида мустамлакачилик сиёсати катта уринни эгаллайди, 19 асрнинг юксак ривожи илмий кашфиётларни такозо этди. Бу даврда Англияда табиий фанлар, айникса механика, физика тез ривож топди. Бу даврнинг энг буюк вакили И. Ньютондир (1643-1727). Ана шундай шароитда классик иктисодий мактаб шаклланди ва ривожланди. Бу даврда меркантилизм сийсати талабга жавоб бермай куйди ва уининг бузилиши руй берди. Меркантилизмда фаркли равишда классик мактаб номоёндалари феодализм урнига келган нисбатан прогрессив капиталистик муносабатлардан ички иктисодий

алокаларни органдилар ва уз тадкикотларини ишлаб чикариш сохасига кучирдалар.

2. В. Петти (1623-1687) Англияда классик буржуа сиёсатини асосчисидир. В. Петти фавкулотда хар томонлама ва юксак билимли инсон булган. У майда хунарманд оиласида тугилди. Лейден, Париж, Оксфорд университетида медицинадан таълим олган, жуда кобилиятли талаба булган. 1647 йили нусха кучирадиган мошинани ихтиро килди. У денгизчи врач сифатида хам ишади. Петти шу билан бирга йирик ер эгаси хам эди. У буржуа мулкини «мукаддас» ва «дахлсиз» деб билди ва уни турлича йул билан химоя килди. Англиядаги мустамлакачилик сиёсатини куллади. У капиталга солик солишга карши эди. чунки у ишлаб чикаришни чеклаши мумкин деб билган. Шу билан бирга у мехнаткашларнинг даромададан солик олиш тарафдори эди. У иктисодий смуаммоларга багишланган «Соликлар ва йигинлар тугрисида трактат» (1662), «Суз донишмандларга» (1665), «Сиёсий арифметика» (1693) ва бошка шу каби ассарларни ёзди. У меркантилистлар каби иктисодий текширишларни муомала сохасидаги вокеаларни умумлаштириш билан чеклаш мумкин эмас деган хуласага келди. У айтидики, хужаликнинг асосини ишлаб чикариш жараёнихал этади, жамиёт бойликлар моддий неъматлар яратиш деганида юзага келади.Савдогарликни унумсиз касб каторига кушди. В. Петти фикрича, улар хеч кандай махсулот тайёрламайдилар ва факат кишлок хужалиги ва саноат махсулотларини худди инсондаги вена ва артерияларга ухшаб жамият танасидаги кон ва туйинтирувчишарбатларни таксимлайди. В. Петтининг пулга булган муносабатини куриб чикадиган булсак, у кимматбахо металлар ва тошларни бошка товарга солиштириб, улар айнимайди ва узгармайди, хар ерда ва хар качон бойлик сифатида сакланади деган.

Шу билан бирга олим хар кандай йул билан олтин ва кумуш, яъни пул туплашга карши эди. Унинг фикрича пул инсон танасидаги ёг булиб, ёгнинг ортиги хам зиён, яъни меъёр яхши. Петти узининг таббий бахо тугрисидаги таълимотида киймматдан мехнат мехнат назариясига асос солди.

У вакт ва тасодифий омиллар таъсирида узгариб турувчи бозор бахосига табиий бахони (киймат деб билган) карама карши куйди. Табиий бахо ички бозор бахосига сарфланган мехнат микдори билан тенлаштирилади.

Бу мисолда, яъни нон кумушга алмаштирилганда, алмашув пропорцияси асосида шу махсулотларни ишлаб чикаришга сарфланган мехнат ётади, демак, киймат мехнат билан аникланади, ундан ташкари товарни киймати кумушни казиб олишдаги мехнат унумдорлигига тугри пропорцинал. Шундай килиб, Петти иктисодиёт тарихида кийматнинг мехнат назарияси куртакларини таърифлади. Бу олимнинг катта илмий хизматидир. Аммо В.Петти кийматни алмашув билан кориштириб боради.

Конкрет мехнат исътемол киймати яратса, абстракт мехнат умумий кийматини яратади. «Мехнат бойликнинг отаси, ер эса унинг анасидир» деган фикр хам В. Петтига тегишлидир. Бу гоя шуниси билан тугрики, мехнат бойликнинг яккаю- ягона манбаи эмас, чунки гап моддий бойлик , исътемол кийматлари хосилкилиш устида борганда факат мехат эмас, балки табиат хам иштирок этади.

«Киймат назарияси» билан иш хаки ва рента тугрисидаги назариялар бевосита ир-бирига боглик. Петти бошка классик мактаб вакиллари каби иш кучини эмас, балки мехнатни товар деб хисоблайди. В. Петти рента назариясини хам ишлаб чикди. Унинг фикрича, рета махсулот куринишида иш хаки ва уругликни ажратгандан кейин коладиган махсулот микдорига тенгбулиши керак. Демак бу холда рента кушимча махсулотга тенг. Пул холидаги рента кушимча махсулотнинг кумуш микдорига тенг кийматидир. В. Петти фойда тушунчаси алохида котегорияшаклида йук, рента барча кушимча кийматга тенг микдор деб хисобланади. Шу сабабли рента тугрисидаги назарияда амалда кушимча киймат хакида гап боради.

Кийматни мехнат сарфлари сифатида караб, В. Петти рента кушимча натижаси эканлигини аниклайди. Петти ренатнинг келиб чикиши тугрисида хам кизик фикрларни беради. Дифор-и рентанинг келиб чикишини у ер участкаларини турлича жойлашганлиги билан тушинтиради.

Францияда 18 асрнингг 2-чи ярмида феодал муносабатлар узининг чуккисига чиккан эди вахоланки Англияда буржуа революцияси були, капиталистик муносабатлар шакллана бошлади. Францияда юкори табака барча ернинг эгасига айланди, дехконлар шахсан озод булсалар хам феодал мамлакатлар нихоятда куп эди. Хужаликдаги капиталистикуклад нихоятда секин ровожланди. Францияда 17 аср охири 18 аср бошидаги ижтимоий аъволи классик буржуа сиёсатидан Франциядаги асосчилардан бири булган Пьер

Буагельбер (1647-1714) нинг иктисодий карашларига катта таъсир курсатди. Пьер Буагельбер дворян оиласидан чикан, яхши маълумот олгач, адабиёт билан шугулланади Руан округида судья булди, дехконлар ишини олиб борди, уз кузи билан уларнинг огир ахволлига гувох булди, узини «кишлок хужалигининг адвакати» деб атйди. Унинг асосий иктисодий асрлари: «Франциянинг тула тавсифи», «Франция тугрисидаги варака». Уларда Францияниннгшу даврдаги огир иктисодий ахволи тула ёритиб берилган, айникса кишлок хужалигининг оркада колиши сабаблари тугри берилган.

В. Петти иктисодий масалаларни ёритишда табиий фанлар айникса медицина билан фойдаланган.

1882 йилда ёзилган «Пул тугрисидаги бир неча огиз суз» китоби 32 та савол ва жавоб тарикасида Англияда пул чакасини кайтадан зарб этиш масаласига багишланган. Унда Петти меркантилизмдан бутунлай воз кечади ва пулни умумий эквивалент вазифасини бажарувчи махсус товар деб хисоблайди.

В. Петти рентанинг келиб чикиши тугрисида хам мухим кизикарли фикрлар беради рентани абсалют ва диффер рентага булади. Абсалют рента хакида гап борганда бу рента ерга хусусий мулкчилик номоён булади. В. Петтининг «сиёсий арифметика» асари тула равишда унинг вафоти булиб чикди. Бу асар янги фан статистикага асос солди. Бу даврда хали бу тушунчанинг узи йук эди. Петти биринчилардан булиб давлат статистикага хизмати тузиш зарурлиги масалан кутаради ва маълумот тупламининг айрим уйналишларини белгилаб берди. Кишлок хужалиги манфаатларини химоя килди, дон экспортини чеклашга карши чикди. солик тизимини ислох килиш тарафдори эди.

Мекантилизмдан фаркли равишда, у бойликнинг манбаи алмашув эмас, ишлаб чикариш деган эди. Алмашув эса ишлаб чикариш ривожининг шарти сифатидагина каралади.Буагельбер Петтидан холи мустакил равишда кийматнинг мехнат назариясига асос солди.

## 5 - Мавзу. Физиократизм иктисодий таълимоти

# Режа:

1. Физиократизм иктисодий таълимоти вужудга келишининг шарт шароитлари.
2. Ф. Кенг Физиократизм таълимотининг асосчиси.
3. Физиократизмнинг ютуклари ва хатолари.

## Таянч суз иборалар.

1. Физиократлар - юнонча «табиат» ва «Хокимият» сузларидан ташкил топган.
2. Кенг Франсуа- (1694-1774) Франциялик физиократизм окимининг асосчиси, «Табиий тартиб концепцияси», «Соф махсулот», «Унумли мехнат» тугрисидаги таълимотини яратди.
3. Фермер, фемер хужаликги- хусусий ёки ижарага олинган ерда олиб бориладиган сохибкорлик типидаги хужалик.

## Реферат мавзулари.

1. Ф Кенг «Иктисодий жадвал» асаридаги гоялар.
2. Физиократизм иктисодий таълимоти.

## Асосий адабиётлар.


1. «Иктисодий таълимотлар тарихи» укув кулланма. Тошкент. Фан. 1997.
2. Ядгоров Я. С. «История экономических учений» М. 1997.
3. Бозор иктисодиёти асослари. М Расулов Узбекистон. 1999.


1. Физиократлар (лотинча «табиат ва хокимият») 18 асрда Францияда ижод этган классик буржуа саноатларининг номоёндаларидир. Физиократлар мактаби феодализмдан капитализмга утиш даврида ривожданган.

Физиократизм мухим томони шуки, улар меркантилистлардан кескин фарк килди, уз тадкикотларини муомала сохасидан ишаб чикариш сохасига кучирдилар. Уларнинг хизмати шундаки, буржуа дунё караши доирасида капиталнинг тахлилилини беришди. Бу уларни бошкалардан фарк киладиган асосий масаласи эди. Аммо физократлар чикариш сохасини факат ?????????? хужалиги сохаси билан чеклаб куйган эдилар. Физократлар кийматни истемол кийматига, хатто табиат махсулотига тенглаштирганлар. уларни факат микдорий соха ишлаб чикариш жараёнида олингач, истеъмол кийматларининг ортикча микдори (истеъмол килингандан ортиги) кизиктирган.

Бу нарса асосан дехкончиликда аник намоён булади.

Физократларнинг унумли ва «унумсиз» мехнати тугрисидаги таьлимоти «соф махсулот» тунрисидаги таьлимот билан чамбарчас боглик булиб, унинг давоми хисобланади.

Меркантилистлардан фаркли, улар «соф махсулот» яратувчи мехнат унумли булади, яьни кушимча кийматини яратади, деган эдилар. Рентани кушимча кийматини яккаю - ягона аник шакл сифатида тан олинганлиги сабабли дехкон мехнат бирдан-бир
унумли мехнатдир, деб хисобланади, ишлаб чикаришнинг бошка сохаларидаги мехнат «унумсиз», яьни самарасиз дейилади. Бундан дехкончилик мехнатини бошка мехнат турларига карши куйиш асоссиздир, чунки ёлланма мехнат ишлаб чикаришнинг кайси сохасида куйилмасин кушимчалар яратади, демак унумли мехнатдир. Физократларнинг мухим хизматларидан бири шуки, улар буржуа дунёкаращи доирасида капитал тушунчаси тахлил этишган.
Дехкончиликда кулланиладиган капиталнинг моддий элементларига кишлок хужалиги куроллари ва инвенторь уруг, ходимларининг тирикчилик воситалари ва бошка киритилган.

2. Феодал тузумга карши кураш гояси физократлар ва уларнинг асосчиси франсуа кенэнинг иктисодий таьлимотида асосий уринни эгаллаган. Франсуа Кенэ (1694-1774) хар томонлама кенг билимли олим булиб, камбагол дехкон оиласида дунёга келди. Ёшлигидан медицинага кизикди кишлокжаррохидан дарс олди. Медицина амалиёти унга шухрат келтирди, двориян унвонига эга булди. 1718 йили врачлик касбиниолди. 1744 йил медицина доктори илмий даражасига эришди. 1752 йил эса Людовик 15 хонадонида табиблик килди. Медицина ва биологияга оид купгина асарлар яратди. Энг мухими шуки, у 60 ёшда бошлаб иктисодиёт муаммолари билан бевосита шугуллана бошлади. Кенэнинг дастлабки иктисодий асарлари; «Фермерлар», «дон», «ахоли», «соликлар» каби. 1758 йил унинг асосий ва энг мухим асари «Иктисодий жадвал» дунёга келди. Кенэ бу асарларига физократизм мактаби асосларини яратди, унинг назарий ва сиёсий дастурини таьрифлаб берди. Фрациядаги кишлок хужалигини ахоли ва уни яхшилаштадбирлари тадкикотларининг асоси булди. Кенг «табий тартиб» конценциясини илгари сурди, бунда у буржуа тизимини тушунди, иктисодиёт эркин ракобат асосида ривожланишини бозор бахосини стихияли узгариши, яъни давлатнинг аралашувини инкор этадиган жараённи куллаб куватлади. Иктисодий ривожланишодамларнинг истак-хохишига боглик булмаган, табий жараён эканлигини тан олиш физократларнинг сузсиз илмий ютуги эди. Бу конунлар уларнинг фикрича, тарихий булмай абадий деб каралган эди. Шу сабабли ишлаб чикаришнинг

кон-к шакли табий ва абадий ишлаб чикариш шакли деб хисобланган. Кенэ алмашувининг эквивалентлиги таьлимотини илгари сурди, у алмашув ёки савдо бойлик яратмайди , демак алмашув жараёни хеч ишлаб чикармайди, деб хисобланган. Ф.Кенэ «соф махсулот» тугрисидаги карашлари асосида жамиятни уч синфга булади; унумли синф (фермерлар) ер эгалари синфи ва «унумсиз» синф (бу синфни саноатчилар  синфи деб аталади). Унумли синфга дехкончиликдаги барча ходимлар , кишлок хужалиги ишлари, фермерлар яьни унинггача «соф махсулот», синф вакиллари эса дехкончиликдан бошка тармокларда ишлайди (саноат хизмат сохаси) ва «соф махсулот» яратмайди. Кенэ сиёсий иктисодиёт тарихида такрор ишлаб чикариш жараёнини ва ялпи ижтимоий махсулотмуомаласини бутунича курсатиш учун биринчилардан булиб уриниб курди. Бу жараён схематик равишда «Иктисодий жадвалда» тасвирланган. Унда ишлаб чикарилган тайёр махсулотнинг айланиш оркаси кандай таксимланганлиги курсатилганки, бунинг окибатида ишлаб чикаришнинг аввалги холида кайта бошлаш учун шарт-шароитлар яратилади. Шуни таькидлаш кераккки, бу жадвалда оддий такрор ишлаб чикариш коралаб чикарилган холос «соф махсулотни» капитал унумли ва унумсиз мехнат сифатлар тугрисидаги таьлимотлари акс этган унда муалифнинг капиталистик ишлаб чикариш усулининг химоячиси сифатидаги синфий позицияси хам куриниб турибди. «Иктисодий жадвалда » такрорий ишлаб чикаришни тахлил килиш асосида олинган мухим хулоса шундаки, унда айрим олди-сотди актларикараб чикилмасдан, куплаб индивидуал актлар синфлар уртасидаги муомалага бирлаштирилган. Анашу синфлар уртасидаги муомала Кенэ тадкикотининг предмети эди. Кенэ таьлимотида бир канча камчиликлар мавжуд, синфлар тугрисидаги гояда изчилик ва илмийлик йук. Саноатчилар (унумсиз синф) ишлаб чикариш воситаларидан махрум этилган ва уларда ишлаб чикаришни кайтадан бошлаш имконияти йук.

Кенэнинг жадвали иктисодиёт тарихида биринчи марта товар ва пул холидаги моддий нематларнинг макроэкономик занжиридир. Унда гоялар булажак иктисодий моделларнинг куртаги булиб колди. Смит уз вактида «физократизм тизими канча номукаммал булмасин, шу даврга чоп этилган иктисодий гоялар ичида хакикатга энг якини эди» деб айтган эди. Бу таьлимотнинг меркантилизмни инкор килиши, мехнат билан ер бойликнинг асоси эканлигини тан олиши,

савдо сотикда божхона чеклашларини оилиб ташлашни талиф этиш нихоятда мухимдир.

Физиокартлар бойлик тугрисида фикр юритиб, бойлик бу жамият мехнати билан хар йили яратиладиган истемол кийматидир дейдилар. Капитал ва унинг икки кисмга ажратилиш, такрор ишлаб чикариш, эркин сохибкорлик тугрисидаги гоялар жамиятнинг синфларга ажратилиши иктисодий таълимотнинг ривожида мухим кадамдир. Шундай килиб хозирги давр тили билан айтаганда; физиократлар соф бозор муносабатларини кулладилар барча фикрларда мукаммаллик етишмас эди.

Бу вазифалар эса кейинги олимлар тамонидан хал этилди.

## 6-мавзу. Адам Смит ва Давид Рикордонинг иктисодий таълимотлари.

# Режа.

1. А.Смит ва Д. Рикордоларнинг гоялари шаклланишининг тарихий шарт шароитлари.
2. А.Смит методологияси.
3. А.Смит ва Д. Рикордо таълимоти ва хозирги замон.

## Таянч суз иборалари.

1. Ишлаб чикариш омиллари - товарлар ваи хизматлар ишлаб чикаришда ишлатиладиган мехнат сарфлари, ер ва капитал.

2. «Куринмас кул»- бу объектив иктисодий конунларнинг стихияли харакати.

## Реферат мавзулари.

1. А Смитнинг иктисодий гоялари
2. Д. Рикордонинг иктисодий таълимоти.
3. А Смит ва Д. Рикордо таълимоти ва хозирги замон.

## Асосий адабиётлар.


1. «Иктисодий таълимотлар тарихи» Укув кулланма: Тошкент, фан. 1997 й.
2. Ядгоров Я.С. «История экономических учений», М. 1997 й.
3. Ш. Шодмонов, Т. Жураев «Иктисод назарияси» Тошкент, 2000 й.
4. «Узбекистон миллий энциклопедияси», Тошкент 2000й.


1. XVIII асрнинг иккинчи ярмида классик иктисодий мактаб британиялик олимлар А.Смит ва Д. Рикардо асарларида энг юксак чуккига кутарилди.

Бу хол тасодифий эмас эди,чунки бу олимлар яшаб ижод этган даврда Англия жахонда энг ривожланган ва саноатлашган давлатга айлана бошлади, иктисодий ва ижтимоий хаётда капиталистик муносабатлар хал килувчи уринларни эгаллади. Мамлакатда кишлок хужалиги ривожланиб,саноат хам тез усиб,ташки савдо фаоллашиб борарди.

капитализмнинг дастлабки жамгарилиш натижасида хосил булган пул капитали (манбалари; эксплуатация, ерларнинг дехконлардан тортиб олиниши,айникса ноэквивалент савдо,мустамлака сиёсати,боскинчилик урушлари ) саноат ва кишлок хужалигига куйила бошлади.

Англия индустриал аграр давлатга айланди. Мануфактуралар сони ошди, ишчилар сони купайди, уларнинг ахволи огир булиб

каттик эксплуатацияга дучор килинди. Аср уртасида Англия бошка мамлакатларга нисбатан мануфактурадан фабрикага утишга якин турар эди. Феодализм давридаги бир канча партия ва чекланишлар, конунлар давр талабига жавоб бермай куйди, уларни борлиги капитализм ривожига тускинлик килар эди. Англия саноат буржуасияси эркин сохибкорлик фаолиятини кучайтиришни, феодализим колдикларини  тугатишни талаб киларди.

Шу сабабли буржуазия синифи янги капиталистик ишлаб чикариш усулини илмий  жихатдан тула тахлил киладиган иктисодий таълимотларга мухтож эди. Шундай килишб XVIII асрда иккинчи ярми XIX  асрнинг биринчи чорагида Буюк Британияда бошка давлатларга нисбатан иктисодий гояларнинг ривожланиши  учун кулай шароитлар юзага келди, бу гоялар А.Смит  ва Д.Рикарда таълимотларида уз аксини  топди.

Бу тадкикотлар аслида буржуазия мафкурасини химоя килган булса хам, аммо улар уз асарлари  ва яратган таълимотларида бу тузумнинг барча фаорлиятини  тула тукис макулламадилар, уни буяб курсатишга уринмадилар, бу жамиятдаги илгор томонларни курсатиш билан бирга  ундаги купгина карма-каршилик ва нуксонларни  очиб ташларидар, ишчилар синифига, уларнинг ахволига ачиниш ва хайрихохлик муносабатида  булганлар. Улар томонидан яратилган таълимот инглиз классик иктисодиётида асос булди ва жахон иктисодиёт фикрига катта таъсир курсатди. Бу олимлар узларидан аввалги меркантилизм илк классик мактаб ва физиократизм гояларини  мукаммал урганиб  шулар асосида  янги иктисодий мактабнинг  шаклланишин нихоясига етказдилар. Аслини олганда улар бозор иктисодиёти асосини  яратдилар.

Бозор тизимида  барча эркин  бозор талаблари  доирасида сохибкорлик  билан  ихтиёрий  шугулланадилар, ананалар ёки кимларнингдир буйругиа буйсунадиган  холда иш юритмайдилар. Бу тизимда  хар бир инсон ерни  еркин сотиб олиши  ёки сотиши мумкин. Шундай килиб, бозор тизими  бир томондан турли кийинчилик  ишончсизлик, азоб укибат сабаби  булса шу вактнинг узида  тараккиёт,  инсоният ва ютуклар манбаи хамдир.  Саноат инкилоби  иктисодиёт  ва ижтимоий  хаётда  кескин узгаришларг олиб келди. Ж.Уатт (1782 йил ) буг машинасини  ишлаб чикди, тукимачилик  ривожланди. Аста кесин капитализм  хаёт даражасининг усишига  олиб келди, моддий  неъматлар, турли

систематик равишда доимо купайди, сифати яхшиланди, энг мухити бу имкониятларнинг жамиятнинг аксарият кисми фойдаланди. Бундай жараён илгари хеч хам булмаган эди.

2 савол. Адам Смит (1723-1790) Шотландияда божхона чиновлиги оиласида дунёга келди. Гласго ва Оксфорд Университетларида таълим олди. У ерда фалсафа, адабиёт фанлари билан бирга физика ва математикани хам урганди. Глазго Университетида профессор лавозимига сайланди, кейинчалик ижтимоий фанлар кафедрасини бошкарди.

1759 йили узида биринчи «Ахлокий хиссиёт назарияси» китобини яратди аммо у 1764 йилди Университетдаги ишини ташлаб, бир инглиз аристоркатининг оиласига тарбиячи булиб келди, у уз тарбияланувчиси билан европа буйлаб саёхатга чикарди ва физократлар Ф.Кенг , А.Тюрго ва бошка таникли прогрессив олимлар билан учрашди, уларни ишлари билан танишди.

Бу учрашувлар олимнинг дунёкаришини такомиллаштишга катта таъсир килди. У 1766 йилда уз юртига кайти ва узининг бош асари «Халклар бойлигинеинг табиати ва сабаблари тугрисидаги тадкикот » ни ёзишга киришди, бу асар 1776 йил Лондонда чоп этилди. А Смитнинг бу асари 5 китобдан иборат булиб,

1. Киймат ва кушимча даромад муамолари тадкик этилди.
2. Капитал жамгарилишининг шаклланиши даврида Европанинг иктисодий ривожланиши.
3. Капитализм тараккиётининг тарихий шарт шароитлари.
4. Меркантилизм ва Физиократларонинг таълимотига муносабати
5. Давлат молия тизими тадкик этилди.

Бу ажойиб асар А. Смит тириклиги давридаги 5 марта такроран нашр этилди. Бу асардаги хулосалар кенг жамоатчиликни факат Англияда эмас, балки чет эллрда хам кизиктириб колди. Асар феодализм колдикларини тугатиш учун кимматли курол булди. Янги капиталистик, яъни бозор иктисодиётининг классик таълимоти яратилди.

А Смит методологияси.

Олим уз асарлари ва тадкикотларида одамлар мбаъзи бир шундай табиий хусусиятларга эгаки, улар ижтимоий тузумга боглик эмас, деган хулосага асосланади. Ана шундай хусусиятлардан бири-эгоизм булиб, оамлар уз хужалик фаолиятларида унга амал

киладилар. Хар бир одам уз шахсий манфаатларини кузда тутади, аммо бу холатда куп бошка холатлардаги каби, у куринмас куп томонидан унинг хам булмаган максад сари йуналтиради. «Куринмас кул»- объектив иктисодий конунларнинг стихияли харакати. Бу конунлар одамларнинг хохиш иродасидан катъий назар,одатда унга карама -карши харакат килади. Хар бир одам купрок фойда олиш учун капитални иложи борича кулай ишга жойлаштиришга уринади, чунки у жамиятнинг эмас, балки аввало узининг шахсий манфаатини кузлайди.

Шундай килиб, Смитнинг таърифи буйича фойда кетидан кувиш ва ракобат бутун жамиятга наф келтиувчи фаолият деб караларди.

Демак жамиятга наф келтирувчи фаолиятни бирор харакат билан чекламаслик керак, деган хулоса чикаради. Бу тамойилга кура куйидагилар таклиф этилади:

1. Ишчи кучининг эркин харакати.
2. Савдода тула эркинлик.
3. Саноат ва ички садони хукумат томонидан тегламентация килишга катъий каршилик.
4. Эркин ташки савдо.

Олимнинг бу гоялари кейинчалик тула амалга ошди. А. Смит капиталистик жамиятни табиий тузум билан бир деб тушунган, шунинг учун капиталистик муносабатлар абадий деб изохлайди.

«Мехнат таксимоти ва пул тугрисидаги таълимот»

А. Смит яшаган мухит олимнинг тадкикотларига катта таъсир курсатди.

Бу давр Англия манафактура нихоятнихоятда ривожланган ва саноат инкилобига дастлабки кадамлар куйилган пайт эди. Шу сабабли А. Смит манафаактура даврининг умумлаштирувчи иктисодчиси булиб колди. Уз даври учун мос равишда у манафаактурани ишлаб- чикаришнинг энг прогрессив, энг илгор шакли деь бахолади, унинг тарихан уткинчилигини тушунмади, бу албатта шароитнинг таъсиридир.

А. Смитнинг иктисодий карашлари асосисда шундай гоя ётадики, яьни жамият бойлиги ишлаб чикариш жараёнида мехнат туфайли пайдо булади.

А. Смит мехнатни барча сохаларда (саноат, кишлок хужалиги, хизмат курсатиш сохаси) бойликнинг асоси деб билди, капиталистик ишлаб чикаришнинг манафактура боскичини тахлил килиш асосида

иутисодий прогресснинг мухим омили мехнат таксимотидир деган хулосага келди.

Мисол: бирор кийим тикиш мануфактурадаги мехнат таксимотини мисол килиб у ердаги ишчиларнинг ихтисослашуви ва мехнат таксимоти ишлаб чикаришни ва мехнат унумдорлигини оширишга имкон беради дейди.

Ундан ташкари ишчиларнинг бир хил ишни доимо такрорлаши туфайли махсулотнинг сифати яхшиланди, бу эса товарнинг бахоси, ракобат кувватини оширади дейди. Шундай килиб, А. Смит манафактурада мехнат таксимотининг роли ва машина саноати сари ривожланиш тенденциясини тугри яратган.

Смит товар дунёсида пулнинг стихияли равишда, узок ривожланиш жараёни натижасида ажралишни курсатиб берди. Пулнинг пайдо булиши айрим талантли одамларнинг кашфиётига боглаш мумкин эмас дейди. Смит пулнинг муомала воситаси функцияси фунциясини алохида таъкидлайди. У пулни тактик курол булиб, иктисодий жараёнларни енгиллаштиради, уни «муомалани буюк гилдираги » деб бахолайди. А.Смит олтин ва кумуш пулларни когоз пуллар билан алмаштириш максадга муофик, уни эса банклар чекланган микдорда чикариши зарур деб хисоблаган.

А. Смитнинг карашларида анча чалкашликлар булса хам, лекин у пул ва кредитни ишлаб чикариш асосида чикарди.

А. Смит кийматнинг мехнат назариясини В. Летишга нисбатан анча чукур ва туларок ишлаб чикди.

Кийматнинг ягона манбаи ва охирги улчови шу товарни ишлаб чикариш учун сарфларган мехнат булиб, бу мехнат сарфлари жами учун зарур уртача сарфга тенгдир.

Мехнат кийматининг хакикий асоси эканлигини уринди.

Аммо Смит мехнатнинг 2 ёклама характерини, яьни абстракт ва конкрет мехнат борлигини тушунмади.

2) Смит капитализмга хос яна бир киймат -даромад назариясини уйлаб топди, бу ерда даромад иш хаки даражаси, фойда ва рента билан аникланади.

**«Даромадлар тугрисида таьминот».**

А.Смит капиталистик жамиятнинг синфий структурасини ишлаб чикариш воситаларига булган муносабатига кура 3 синфга булади: ишчилар; капиталистлар ва ер эгалари.

Хар бир синф узининг асосий даромадини: ишчилар иш хаки, капиталистлар фойда, ер эгалари эса рента оладилар.

Иш хаки, яьни ишчининг даромади Смитнинг фирича мехнат махсулоти булиб, мехнат учун туланадиган табиий мукофотдир дейди.

А. Смит буржуазияга ишчилар синфининг кошшоклиги унинг манфаатларига карама-карши эканлигини уктиради ва хатто фойда камайган холда хам иш хаки ошиши мумкинлигини курсатиб берди. Буржуазия бу фикрга айникса кейинги пайтларда катта этибор берди ва Смитнинг угитларига кулок солди. Кийматнинг мехнат назариясидан келиб чикиб, фойда ёлланма ишчи мехнатига туланмаган махсулотдир деган хулоса чикаради.

А.Смит карама каршилик келиб чикишининг хакикий сабабини аниклашга яикнлашган, чунки фойда капиталист билан бвосита богланган, бунда ишчи уз мехнат самарасини капиталист билан булишишга мажбур булади.

Ишчига хосил килган товарнинг бир кисми тегади холос. Колган кисмини капиталист фойда сифатида олади. Амалда фойда карама-каршиликдир. Смит карама-каршиликка илмий изох бера олмайди ва унинг пайдо булиш механизмини тушунмади. У фойда барча авонсланган капитал туфойли тугулади деб уйлайди.

Смит рентани ижара хакидан ажратган ва кийматнинг мехнат назарияси асосида рента тушунчаси унда булмаган.

**«Унумли ва унумсиз мехнат тугрисидаги таьлимот».**

Смит бу масалани анча мукаммал тахлил этган. Физократларда кийматнинг манбаи у ёки бу мехнат шакиллари эмас, кайси сохада булишининг фарки йук балки умуман мехнат эканлигини курсатиб берди.

Смит саноат капиталини хам унумли деб уктиради (бу унинг прогресс томони). У совдо капитали хам унумли деб хисоблайди, чунки у саноат капиталидан ажралиб колган эмас, Балки моддий ишлаб чикариш сохасида яратилган к\к - савдо фойдасининг манбаидир. Оддий товар хужалигида капитал категорияси йук. Капитал жамгариш жамияти бойгигини оширишнинг бош шарти деб элон килиниди. Унда асосий рол тежамкорликка каратилади, ноурин

сарф-харажатлар танкид килинади, яьни харажатнинг даромаддан ортикча булишига карши булган.

А.Смит эркин ракобат давридаги Буюк Британиядаги иктисодий сиёсатни асослашга катта этибор беради.

У ишлаб чикарувчилара катта иктисодий эркинлик таьминлашни давлатнинг иктисодий хаётига аралашмасликни талаб киларди.

Давлат молиявий фаолиятига алохида ахамият берилган. Смитнинг уз асарининг бешинчи, охирги китобини давлатбюджетига, давлат карзларига багишлаган. Смит замонавий давлатнинг солик сиёсатининг назарий асосларини яратди. Соликлар фукароларнинг кучи ва имкониятларига мос тушиши, солик имкони борича арзон, унинг шакли ва олиниш вакти эса туловчи манфаатига мос келиши зарур.

Смит меркантилизмга, шу билан бирга савдодаги чеклашларга карши эди. Олимнинг сиёсати феодализм колдикларига катта зарба булди. Олимлар Смитга бахо бериб «илгор буржуазиянинг буюк идеологи» деган эди. Лекин у аслида бозор иктисодиётининг мафкурачиси сифатида ном чикаради.

1. Инглиз классик иктисодий мактабининг машхур намоёндаси Д. Рикардо (1772-1823) Петти ва Смитнинг иктисодий гояларини янада ривожлантирди. У Лондонда буржуа даллоли оиласида тугулди. Буржуа даллоли математика укитувчиси булди. 2 марта полиция бошлиги этиб сайланди. 1819-1823 й. Англия парламентининг азоси эди. Парламент минбаридан узининг илгор иктисодий фикрларини таркатиш максадида фойдаланди, эркин савдони талаб этди. Унинг дастлабки асарлари пул ва фойдаланди, эркин савдони талабэтди. Унинг дастлабки асарлари пул ва пул муомаларини тахлил килишга багишланди. «Олтин бахоси тугрисида уч хат»(1809), 1817 йил унинг асосий асари «Сиёсий иктисод ва солик солишни багишланиши» чоп этилган. 1823 йил ёзилган «Миллий банк тузишни режаси» улгандан кейин чоп этилган. Д. Рекардо Смитнинг гояларини куллаш билан бирга унга карши фикрларни хам илгари сурди. Капиталист ва ишчиларнинг манфаатлари бир-бирига карама-карши эканлиги очиб берди.

У хаммани кизиктирган энг асосий муаммоларга жавоб беришга

харакат килди. У жамият моддий бойлиги усиши учун ижтимоий ишлаб чикариш ва таксимотнинг кандай шароитлари энг кулай ва оптимал деган масалага тухталади. Д. Рикардо ягона иктисодий

коцепция асосида пул муаммоси ва кредит, халкаро иктисодий муносабатлар, солик ер рентаси, харкаро мехнат таксимоти тугрисида фундаментал фикрлар берди.

Смитдан кейинрок яшаган Д. Рикардо саноат инкилоби натижаларини туларок тушунди, унинг фикрлари теран булиб, классик иктисодни нихоясига етказди; у саноат даврининг иктисодчиси эди (Смит макуф.давр.ик)

Сиёсий иктисоднинг асосий вазифаси «ер масулоти» яьни миллий даромад ва миллий бойликни уч асосий синф уртасида таксимот конунларини аниклашдан иборат. Бу Рикардо ютуги, лекин хотоси шундаки, таксимот усулини моддий нематларини ишлаб чикариш усулибилан боглик килиб куйган. Рикардо киймат конуни ишлаб чикаришда Смит хулосасига суянди. У товарнинг 2 фактор истеъмол ва алмашув кийматларини янада аникрок урганди.

Фойдалик (истеомл киймат) алмашув кийматининг зарурий шарти, аммо унинг улчови була олмайди. Барча товарларнинг алмашув киймати уларни  ишлаб чикаришга кетган мехнат сарфи билан аникланган. Рикардо яьни мехнатни киймат билан яратувчи махсулотнинг табиий хусусияти ва бу жараён барча ижтимоий тузумга хос деб уйлади.

Рикардо иш хаки, фойда ва рента масалаларини ечишга катта хисса кушди. Умехнатни товар деб (асли ишчи кучи товар) мехнатнинг бозор бахоси хисоблади. У капитал деб ишлаб чикариш воситалари ва капиталистнинг ишчиларга иш хаки сифатида харажатларни курган. Унингча, ибтидоий овчи ва баликчи капитал эгаси балган (Бу ал. хат). Рикардо ер рентасини тахлил килишда мухум ютукларга эришди. У рента назариясини кийматнинг мехнат назариясига асосланиб текширди.Рентанинг манбаини ернинг кандайдир сохиблиги (эгалиги) эмас, балки маьлум кулай муносабатлар шароитида ерга килинадиган мехнат хисобланади.

Ер ресурслари чекланган булиб, унучдолиги ва Жойлашуви турлича, булган ерлар ишлатилиши туфайли кишлок хужалиги махсулотларининг киймати ёмон кчасткалардаги мехнат сарфлари билан аникланади.

Бундай ерлар сохибкорига уртача фойда беради ва рента бермайди. Нисбатан яхширок ерларда эгаси томонидан олинади. Рикардо бу ерда диферинциал рента хосил белишини курсатиб берди. Хусусий мулкчилик шароитида ёмон ерлар хам рента келтириши

мумкинлигини у инкор этди, лекин шундай рента бор, у абсалют рента булиб, уни К.Маркс атрофлича урганган.

Рикардо пул ва пул муомаласи масалаларига этибор килди, У дастлабки асарларида пулни муомаласи ички кийматига эга булган товар деб караган. Рикардо пулнинг хусусияти шуки, у алохида товар, бошка товарларнинг киймат улчови ва муомала висотаси сифатида харакат килади, дейди. Рикордо эркин савдо тарафдори булган, меркантилизмдан фаркли равишда товар чикариш товар киритишдан ортик (экспорт кам, импорт куп) булишидан мамлакатдан олтин чикиб кетишидан хавфсирашга хожат йук дейди, чунки эркин импорт автоматик равишда олтин муомаласи бахо узгаришин тартибга солади ва иктисодий тенглик таъминланишига ёрдам беришига ишонч комил эди.

Рикордо Англиянинг ташки алокалари иктисодиётда катта роль уйнашини алохида урганади. У биринчи булиб, айрим товарларни ишлаб чикаришда халкаро мехнат таксимоти ва ихтисосолашувининг фойдалилигини исботлаб беради. А. Смит ва Д. Рикордо Англия буржуа классик сиёсий иктисоднинг буюк ва сунгги намоёндалари эдилар. Уларнинг асарларида буржуа сиёсий иктисоди энг юксак чуккига кутарилди ва жахон иктисодий тафаккурига ижобий таъсир курсатди. Уларнинг гоялари  Сей, Сисмонди ва кисман, Мальтус томонидан давом эттирилди, аммо гояларга катта бирор янгилик киритилмади.

Классик иктисодиётнинг пойдевори кийматнинг мехнат назарияси асосига курилган. Бу таълимот даромадларни таксимлаш назариясига хам  асос деб каралган. А. Смит  уз иктисодиёт фанини хар томонлама тула тукис тахлил  этиб, хозирги давр тили билан айтганда бозор иктисодиётининг ва таълимотининг мохияти  кискача куйидагилардан иборат:

Танлов  ва тадбиркорлик эркинлиги.

Бахоларнинг ъркинлиги.

Эркин ракобат.

Мулк шаклларининг турли- туманлиги ва уларнинг конун олдида баробарлиги.

Давлат имкони борича иктисодиёт  масалдаларига кам аралашуви.

Уларда бозор тизими капитализмнингасосий фалсафасига айланди. Бу тамойиллар назарий жихатдан буюк кашфиёт эди ва мухим янги жамиятнинг иктисодий сиёсатида кулланилиб самарали

натижалар беради. Бу нахзарий асос хозир хам уз кусчини йукотган эмас.

7-Мавзу. «Капитализм амайда буржуача танкиднинг вужудга келиши »

# Режа

1. Капитализмни майда буржуача танкид вужудга келишининг ижтимоий-иктисодий шароитлари
2. С. Сисмондининг иктисодий карашлари.
3. П.Ж.Прудоннинг иктисодий концепцияси.

## Таянч суз иборалар

1. Сисмонди Шарль - (1773-1842) Женевада тугилган, майда ишлаб чикариш иктисодининг асосчиси.
2. Прудон Пьер Жозеф- (1809-1865) Франциялик майда ишлаб чикариш иктисодчиси ва социологи.
3. Апологика - бирор гоя ёки таълимотни хато булса хам кур-курона химоя килиш.

## Реферат мавзулар

1. С. Сисмондининг иктисодий карашлари.
2. П. Ж. Прудоннинг иктисодий концепцияси.

## Асосий адабиётлар

1. «Иктисодий талимотлар тарихи» Т. «фан» 1997
2. Ядгоров Я. С. «ИСТОрия экономических учений» М. 1997

# 1. Капитализмини майда буржуа танкид вужудга келишининг ижтимоий - иктисодий шароитлари.

XVII-XiX аср бошларида саноат тунтариши катта ижтимоий иктисодий узгаришларга олиб келди. Пролетариат билан буржуазия жамиятнинг асосий И синфлар булиб карор топди. Машина ишлаб чикарш вужудга келди, ижтиомий зиддиятлар кескинлашди. Пролетериатнинг кашшоклиги, ишсизлик, ижтимоий ишлаб

чикаришнинг тартибсизлиги ижтимоий табакаланиш кучайди. Капиталистик такрор ишлаб чикариш аста секин майда буржуазининг ижтимоий негизларини купора бошлади. Капиталистик ривожланишдан оркада колган майда товар ишлаб чикариш устун булган шароитда саноат тунтариши даврига кираётган мамлакатларда пролетариат томонига утиб, буржуа тузумини танкид килишда, унга майда буржуачамезонни нисбат берган йзувчиларнинг пайдо булиши табиий бир хол эди. Майда буржкача сиёсий иктисодни яратган кишилар хаёлпараст социалистларга хам шунингдек буржуа классик мактабига баббаравар карши турувчи таълимот илгари суришга интилдилар. Майда буржуа назоратчилари капиталистик жамиятнинг майда товар ишлаб чикаришини сикиб чикариш, ёлланма кулликни кенгайтириш билан боглик булган купгна белгиларни танкид килдилар. Бирок хусусий мулкчиликни, сохибкорликни ва шу кабиларни танкиддан ташкарида колдирдилар. XIX асрнинг биринчи чоранинг иктисодий таълимотлардаилк бор ишчилар синфининг ахволи. Асосий муаммо килиб ажратиб курсатила бошланди. Чунки айни мана шу даврдан бошлаб саноат ишчилари расман шаклланди ва уларга хос муаммолар кузга ташланди.

Майда буржуазиянинг ижтимоий иктисодий мавкеи улар яратган сиёсий иктисоднинг зиддиятлилиги ва ноизчиллигини олдиндан белгилаб куйган эди, унинг ривожида бир неча кузга ташланди. Агар биринчи мактаб хали капитализмдан воз кечиши орзу килган, уни чеклаб куйишга интилган пролетариатнинг кулфатлари хусусида астойил куз ёши килган булса, иккинчи мактаб капитализм ислох килиш лойихасни илгари суриб , хаммани буржуаларга айлантирмокчи булган, у «кичик капитализм» тарафдори эди. Майда буржуа назариатчилари хаёлпарастнинг гояларига арши курашдилар, маркисизм таълимоти оммалашувига каршитлик килишга уриндилар. Биз ушбу бобда мана шу мактабнинг асосий вакиллари С. Сисмонди, П. Прудон ва К. Родбертуснинг иктисодий таълимотларига хос хусусиятлар, уларининг услубияти билан якиндан танишасиз.

Бу оким узок давр мобойнида турли мамлакатлардаги иктисодий карашаларнинг шаклланишига катта таъсир утказиб келди. Хозир хам реформистлар ва ревизионистлар концепцияларининг баъзи бир нусхаларида майда буржуа сиёсий иктисоднинг асосий тезислари такрорланмокда.

## 2 С. Сисмондининг иктисодий карашлари

Жан Шарль Леонарди Сисмонд Леонард де Сисмонди (1773-1842) Швецарияда тугилган, Француз классик сиёсий иктисодининг асосчиларидан биридир. У мутаъбар протестант патсор оиласида тугилиб вояга етди. Протетантлар коллегиясини битириб чикди, Женева университетида укиди. Сийсат билан унчалик уп вакт шугуллангани йук, Франция маънавий ва сиёсий фанлар акдемиясининг аъзоси этиб сайланди. С. Сисмонди иктисод ва тарих фанлари сохасида катта ишлари амалга ошириб, бой илмий- адабий мерос килдирди. «Тоскани кишлок хужалигининг куриниши» (1801й), «Савдо бойлиги ёки сиёсий иктисод принциплари ва уларнинг савдо конучилигида кулланилиши тугрисида» (1803й), «Италия республикасининг тарихи».

(1807й), 1818м йилда эса «Эдинбург энциклонедияси» учун «Сиёсий иктисод» маколасини тайёрлади, лекин «Сиёсий иктисоднинг янги ибтидолари ёки бойликнинг ахоли нуфузига муносабатлари тугрисида» (1819й) китобнинг нашр килиниши унинг шухратини янада оширди.

Кейинги йилларда «Сиёсий иктисоддан этюдлар» (1837й) ва фундаментал тарихий асарлар хисобланган «Французлар тарихи» (31том), «Рим империяси кулашининг тарихи», «Италия озодлиги тикланишининг тарихи» ва бошка асарлари нашр килинди. С . Сисмонди гояларининг шаклланиши, саноат тунтарилиши даври билан, шунингдек майда ишлаб чикарувчиларнинг иктисодий кучсизланиши билан боглик булиб, бу эса уз навбатида капитализмнинг феадализм устида, йирик машиналашган ишлаб чикариш устида галабасини англатар эди. С. Сисмонди майда буржуа позицияларида туриб, капитализмни танкид килиб майда товар ишлаб чикаришга кайтаришни орзу килди. «Сиёсий иктисододнинг чнги ибтидолари ёки бойликнинг ахоли нуфузига муносабатлари» (1819й) китоби унинг шухратини оширди.С. Сисмонд одамлар бахт ва тенгликни таъминлаш учун бирлашдилар, деган фикрга асосланада. У майда ишлаб чкаришни кукларга куариб мактайди, мехнаткашларнинг манфаатларини химоя килишга интилди, хаммага хамдардлик билдиради, фабрикага оид конунларни табриклайди, болалар мехнатининг эксплуатация килинишини коралайди. Капитализмни ижтимоий адолатдан махрум булган жамият деб муълум килди. С. Сисмонди иктисодий карашларининг системасида дарамад тугрисидаги таълимот алохида урин оишини китоб номининг

узиёк курсатиб турибди. Каптални, кризисларни, махсулотни реализация килиш масалаларини танкид этади, жамият узгартиришнингмайда буржуача дастури (программаси) ни илгари суради.

А. Смитнинг таълимотида мехнат киймат ва бойликнинг бирдан бир манбаи деб тахлил килинган эди. Зарур иш вакти тушунчаси биринчи бор жорий этилди. С. Сисмонди пул ички кийматга булган мехнат махсулотидир ва шу сабабли кийматнинг умумий мезони тарзида намоён булади, деган тугри хулосага келди. Пулнинг кадрсизланиши ортикча когоз пуллар муомалага чикарилиши хаддан ошиб кетишининг натижаси, деб талкин этилади. Аммо у пулнинг вужудга келиши жараёнини, унинг вазивасини тадкик этмайди. С. Сисмонди истеъмол киймат уртасидаги зиддиятни кура билган булса хам, аммо унинг мохиятини тушунмайди.У киймат четга чикишини киймат конунининг бузилиши деб хисоблайди.

## 3. Прудоннинг иктисодий концепцияси

Пьер Жозеф Прудон (1809-1965) - француз публисити, майда буржуа иктисодчиси, камбагал косиб оиласида тугилаган. Моддий жихатдан ночорлиги сабабли коллеждаги укишни битира олмаган, шерик хамкорининг маблаги хисобига кичик бир босмахонани ишлатган, зур бериб уз маълумотини ошириш билан шугулланган, илм- фанни урганишни аввало мухтожликдан кутилиш усули деб билган. К Маркс шундай деб ёзган эди: «Прудон жанобларибошдан - оёк файласуф, майда буржуа иктисодчиси, жамиятнинг ривожланишида майда буржуа уз мавкеи такозоси билан бир томондан сацилист булиб колса, иккинчи томондан иктисодчидир, яъни йирик буржуазиянинг савлатидан унинг кузи камашди ва халкнинг укубатларига ачинди. У айни вактда хам буржуа, хам халкдир». Прудон феодализмга кайтиб булмаслигини тан олди, у майда ишлаб чикаришни саклаб колишни таклифф килади. Прудон карашларининг бутун системаси реформизм, ишчилар синфига душманлик рухи билан сугорилгандир.

Прудон -пролетариатнинг уз сиёсий ва иктисодий манфаатлари учун курашига карши. У ишчиларнинг иш ташлашларини гайриконуний деб эьлон килди.

Прудон аввалига капитализмнинг танкидчиси булиб майдонга чикди. «Мулкчилик нима?» деган асари унга зур шухрат келтирди (1840й). К Маркс буни унинг энг яхши асари деб бахолади. Бу асарда

хали Прудоннинг амалий программаси баён килинмаган эди. Шу сабабли Прудон -илгор мутафаккир деган фикр тугилди. Бир неча дабдабали иборалар туфайли Прудон капитализмни ислох килишнинг амалий программасини ишлаб чикишга, сиёсий курашнинг бехудалигига, давлат хокимиятига эхтиёж йуклиги тугрисидаги анархиячилик карашларини асослашга уринди. Франция хукмдорлиги узининг сиёсий хайрихохлигига ишонтирашга уринди.

Прудоннинг назарий карашларига хос хусусиятлар куйидагилар:

1. Субъективизм ва идеализм
2. Иктисодий конунлар объективлигини инкор этиш.
3. Эклетизм (фикрлар коришмалилиги).
4. Мантикий тарихийликдан ажралиб колиши.
5. Иктисодий кучлар: мехнат таксимоти, ракобат, айрибошлаш, кредит, мулкчилик каби мавхум назарияларнинг мавжудлиги.
6. Айрибошлаш нуктаи- назаридан адашиш.

Прудон сиёсий иктисодни «Акл заковатнинг адабий конунлари» тугрисидаги фан деб билади, иктисодий ходисаларга немис файласуфи Гегелнинг идеалистик диалектикаси нуктаи назаридан карайди.

У иш хакининг харакати конуниятларини хам реакцион ва гайриилмий позициялардан туриб баён этади. Прудон ишчиларнинг иш хаки ошириш учун курашига карши чикади, чунки бу нарса нарх навонинг ёппасига кутарилишига ёки мухтожликнинг кучайишига олиб борар эмиш.

Прудон ёлланма ишчини эксплутация килиш механизмини тушуна олмайди. У капитан билан махсулотни айнан бир нарса деб талкин этиб бутун капиталининг харакатини унинг процент келтирадиган кисми харакатидан иборат деб талкин этади. Ссуда капиталининг харакатини Прудон карз олувчи уртасидаги битим деб хисоблади.У махсулотнинг бир кисминикапиталист узлаштириб олишининг ищлаб чикариш чикимлари энига капиталдан фойдаланганлик назаий системасида процент мехнатни эксплуатация килишнинг асосий шакли тарзида намоён булади. Шу билан бирга у процент ёнма-ён ишчини эсплуатация килиш механизми уртасидаги узаро алокани тушунмайди.

Прудон «белгиланган киймат» назариясини узининг бутун иктисодий негзи деб хисоблади. Бунда классик мактабидан узиб кетиш пинхона истагини эмас, шу билан бирга ижтимоий

узгаришларнинг йуллларини белгилаш истаги хам намоён булди. Товар ишлаб чикаришни  Прудон инсоний озодликнинг ва хар бир киши шахсий мустакиллигининг чуккиси деб билади, майда буржуа назариётчисибулган Прудон бозор механизмининг баъзи бир салбий жихатларини: молларнинг калашиб кетишини, номуносибликни, хонавайрон булиш ва шу кабиларни тан олади Прудон асосий иктисодий зиддиятларни «киймат» нинг зиддиятлардан: исътемол ва айрибошлаш киймати гояларидан иборат деб билади. «Белгилаб ёки сунъий» киймат муросага келтирувчи тимсол булиб куринди. Бундан киймат айрибошлашда вужудга келади. У товарнинг ижтимоий бойлик таркибига бемалол кириб боришини билдиради. Пролетур таълимотининг асосчилари Прудоннинг майда буржуача реформизмига (ислохатчилилиги) карши муросасиз курашдилар. Уни пролетариатга душман ва революцион харакатга халакид берувчи бир оким деб фош килдилар. Бу курашни К Маркс 19 асрнинг 40 - йиллари урталаридаёк «Фалсафа кашшоклиги» асарини тайёрлашдан бошлади ва Марксизм ривожининг кейинги даврларда хам шу кураш давом этди.

Прудон фалсафада Гегелдан, Сиёсий иктисодни эса А. Смит билан Д. Рикордолардан юкори кутарила олмади. Унинг ижтомоий дастурлари мафкурали йуналишни фош килишда алохида вазифалар келиб чикда Прудонизм майда буржуа мухитига ва унинг пуч хаёлларига таяниб, узлуксиз равишда узгариб борувчи шароитларга мослашаверди.

## 8-мавзу. Классик иктисодий мактабга альтернатив гояларни пайдо булиши.

Режа

1. Францияда вужудга келган Ж.Б. Сейнинг иктисодий таълимоти «Сей конуни»

2. Т.Р. Мальтус ва унинг «Нуфус назарияси»

Таянч суз иборалари

1. Сей Жан Ботист-(1767-1837) Француз иктисодчиси, классик мактабга карши.
2. Протекционизм-лотинча, давлатнинг миллий иктисодиётини чет эл ракобатидан химоя килишга каратилган иктисодий сиёсат.
3. Ишлаб чикаришнинг уч омили-мехнат, капитал, ер.

Реферат мавзулари.

1. «Сей конуни».
2. Т.Р. Мальтус ва унинг «Нуфус назарияси».

Асосий адабиётлар.


1. «Иктисодий таьлимотлар тарихи» Тошкент. Фан. 1997й.
2. Ядгаров Я.С. «История эконамических учений» М. 1997й.
3. Улмасов А. «Иктисодиёт асослари» Тошкент. 1998й.
4. Расулов М. «Бозор иктисодиёти асослари» Т. Узбекистон. 1999 й.


Гарбий Европадаги \1789-94\ энг йирик буржуа инкилоби. Францияда руй берди. Бу инкилоб капитализмни тез ривожи учун кенг йул очиб берди, аммо бу узгаришлар текис амалга ошмади.

Саноат тунтаришнимашина индустриясини бошлади капиталистик муносабатларни бир канча позитив томонлари билан бирга анчагина салбий окибатлари хам курина бошлади. Ана шундай шароитда классик мактабвакиллари яратган таьлимотларни хар

томонлама кайта куриб чикишга киришилди, бу жараён Франция, Англия ва германияда 18 аср охири 19 аср бошларида руй берди. Бу янги тальимотларга хос хусусият шу эдики, уларни барча иктисодиёт категориялари тулалигича эмас, балки кисман яьни уларнинг айримлари олиниб тадкик килинди.

Францияда Сей, Бастия Англияда Мальтус Милль АКШ да Кери Германияда Лист ва бошкалар классик иктисодий мактабни кайта куриб чикиш, уни туйдириш замонга мослиги истаклари билан узига хос мукобил таьлимотлар юзага кела бошлади.

Францияда шу даврдаги иктисодий гояларни ривожи Жан Батист Сей \1767-1832\ номи билан боглик.

Булажак олим Лионда савдогар оидасида тугулди ва кейинчалик йирик фабрикантга айланди. У яхши таьлим олди, аммо савдо сохасида  хизмат кила бошлади. Унинг биринчи асари «Сиёсий иктисодий рисоласи» 1903 йилда чикди. 1823-30 йилда олти томлик «Сиёсий иктисодий курси» китоби хам чоп этилди. Сэй Смит таьлимотини систематик изохлаш бахонасида унинг илмий жихатдан анча буш гояларни ривожлантирди ва тартибга солди. Сей Смитни куллайи, аммо куп масалаларда у билан келишмайди. Масалан унингча киймат бир канча омилларга боглик килиб куйилади товарнинг субьектив фойдалилиги, унинг чикимлари, талаб ва таклиф Сей капиталининг эксалуатация мохияти бутунлай йук ва бу жараён ишлаб чикариш омиллари назарияси билан алмаштирилади. У хаёти давомида сиёсий иктисол масалалари имкони борича содда ва аник изохлашга интилади. Биринчидан булиб, ишлаб чикариш омиллари:мехнат, капитал ва ернинг махсулоти кийматини хосил килишда тенг иштирокини аниклади.

XIX асрни охрларида шу 3 омилга асосланган гоялар ривож топди. Мехнат иш хаки, капитал фойда, ер рента шу уч узаро боглик формула Сей таьлимотида мухим уринни эгаллайди. Унинг киймати ва даромадлар тугрисидаги таьлимоти узига хос равишда хал этилди. Классик мактабда фаркли равишда товар киймати уни ишлаб чикаришга сарфланган мехнат билан эмас, унинг фойдалилиги билан аникланади.

Шундай килиб «Фойдалилик назарияси» га асос солди.

Сейнинг  энг мухим кашфиётларидан бири «Сей конуни»-«бозорлар конуни» ёки сотиш назарияси  хисобланади. Физикартлар меркантилизмни танкид килган шу гоядан фойдаланганлар. Унда

шундай фикр келади: «Хар бир одам бир вактда узи хам сотиб олувчи, хам сотувчидир».

Сей эса «таклиф шунга мос талабни яратди», деган фикрни илгари сурди, бундай капитаистик жамиятдан такрор ишлаб чикаришда «гармония» мавжудлиги, ортикча ишлабчикариш иктирозлари булмаслиги исботланади, яьни таклиф афтоматик равишда талабни вужудга келтирган.

«Сиёсий иктисод» тула курси 1828 ва бошка асарларда баён килинган Ж.Б Сей узини Смитли издоши, сиёсий иктисодий мактабни мунтазамлаштирувчи дебхисоблар эди, аслида эса у Смит таьлимотини хамма вульгар элементаларини бир бутун килиб йигди. Унинг иктисодий таьлимотига хос хусусиятлар куйдагилардан иборат:

а\ кийматларни вульгар тарзида тушуниш, истеьмол киймати билан
б\ «Ишлаб чикариш омиллари» назариясидан кийматнинг мехнат ва к\кназариясига карши фойдаланиш.

Ж.Б. Сей томонидан кийматни гайри илмий тушуниш шундан иборат эдики уни иктисодчи олим буюм тарзида, конкрет равишда тасаввув этар эди, бу эса киймат ишлабчикаришни икки ёклама характерини инкор килиш кийматини фойдалилик билан белгилаш, яьни истемол киймати билан айнан бир нарса деб билишга сабаб булди. Натижада капитаистик ишлаб чикариш сохалаштирилиб курсатилади ва унинг иктисодий характерга эга булган зиддиятлари никобланади.

<u>Даромадлар назарияси:</u> Сей -мехнат, капитал, ер Ж,Б. Сей узини «Сиёсий иктисод рисоласи» агарда ишчи билан сохибкор уртасидаги фаркни иш хакини асосий сабаби, гуёки унинг юкори маьлумоти, таланти, кобиляти, бошкарув ва рухий тартибда булгани учун мукофотдир.

<u>Компенсация ва уйгунлик назарияси:</u> Сей ишчиларини эксплуатация килишни инкор килибгина колмай, балки уларни келажаги порлок деб курсатади, унинг фикрига капитални усиши билан куйи синфни шароити яхшиланиб ва улар узини олдин турган «Юкори синфлар» сафини тулдириб борадилар. Сей фикрини шундай баён килади ишчилар синфи ишлаб чикаришни тенглик жихатдан ютукларга эришишига юошкалардан купрок манфаатдордир. Демак, Сей буржуа жамиятдаги зиддиятларни инкор килади ва юкоридаги

хулосага таяниб, мехнат ва капитал кртаси «Уйгунлик» мавжудлигини исботламокчи булади.

Биз шуни таькидлаб утишимиз лозимки, хозирги кунда булаётган жараёнлар мисолида олиб каралганда Сейнинг «концепция ва уйгунлик» назариясидаги баьзи хулосалари замонавий капиталзм хужалик хаётида уз аксини топган.

Сейнинг энг мухим кашфиётларидан бири «Сей конуни», «Бозор конуни» ёки «Сотиш назарияси» хисобланади.

Физиократизмни танкид килганда шу гоядан фойдаландилар «Сотиб олувчи, хам сотувчидир». Сей эса «Таклиф шунча мос талабни яратди», деган фикрни илгари сурди. Бундан капиталистик жамиятнинг такрор ишлаб чикаришда «Гормния» мавжудлиги ва окибатда умумий ортикча ишлаб чикариш тнкирозлари «Принципда булмаслиги» исботланади, яъни таклиф автоматик равижда талабни вужудга келтиради. Хар кандай ишлаб чикаришнинг узи даромадларни яратади ва шу кийматга мос равишда товарлар сотиб олинади. Иктисодиётдаумумий талаб таклифга тенг булади, факат айтрим диспропорциялар вужудга келади, яъни айрим товралар купрок бошкалари эса камрок ишлаб чикарилади.

«Сей конуни» нинг ижобий томони шундаки, унга кура капитализм уз ривожи давомида узига узи бозор яратади, келажаги бор жамият деб каралади ва Сисмондининг капитализм ривожига карши фикрни инкор этади, реализация муаммосини хал этишда «учинчи шахсларга» эхтиёж колмайди.

Хозирги даврда хам бу масала буйича иктисодчилар уртасида неоклассик йуналиш билан кейинчалик тарафдорлари орсида мунозара давом этмокда.

2-савол. Инглиз иктисодчиси Темес Реберт Мальтус демография муаммолари тугрисида биринсчилардан булиб фикр юритган булмасада «Нуфус назарияси» ни илк бор у яратди.

Т. Р. Мальтус (1766-1834) дворян оиласида тугилди, 1788 йил Кембридж университетини битиргач, кишлок рухонийси сифатида ишлай бошлади, илохиёт фанидан илмий даражага эга булди. 1807 йилдан бошлаб «Ост -Инд» компанияси колледжида сиёсий иктисод профессори лавозимида лекциялар укиди. Т Мальтус яшаган давр Англия саноат инкилоби амлга ошаётган йиллар булиб, кайта ишлаб чикарувчилар оммавий кашшоклашди, ишсизлар армияси купайди, ищчиларнинг иктисодий ахволи тоборо ёмонлашди. Худди шу

холатларга бахо бериш, уни изохлаш, бу ахволнинг сабаби нимада эканлигини тушунтириш мальтусга насиб этди. Унинг асосий асарлари куйидагилар: «Ахоли нуфуси конуни тугрисидаги тажриба» 1978, «Ер рентасининг табиати ва усиши тугрисидаги тажриба»1815, «Сиёсий иктисоднинг бошланиши» 1820, бу асарларда ер эгалари ва капимталистик фабрикантларнинг манфаатлари мос келса ва ишчиларга карши куйилса, уларнинг иккаласи куллаб кувватлади, хукмрон синфлар оклади, омманинг оч ялангочлиги ва огир ахволидан уларнинг хеч кандай айби йуклигини исботламокчи булди.

Мальтус табиат билан хамоханг усимлик ва хайвонларнинг чексиз купайиши ва яшаш учун керакли маблаглар усиши йуналишларини тадкик этади. Агар инсонлар хар 2 йилда икки марта купайиб, геометрик прогрессия асосида ортиб борса (1,2,3,4,5,6). Бундай шароитда 200 йилдан сунг ахоли сонининг тирикчилик воситалари нисбати 256:9, 300 йилдан сунг эса 40096:13 булади ва хоказо.

Тирикчилик воситаларига нисбатан доимо тезрок купайишга интиилиши, ахолинингнуфус конунидир, бу конун жамият пайдо булгандан буйён мавжуд булиб, доимо ва кудратли харакатдадир. Ахолининг ортикча кисми зарурат туфайли очлик, кошшоклик ва кирилишга махкум этилган. Мальтус фикрича, кашшокликнинг асосий ва доимий сабаби бошкариш тарзига хам боглик эмас, бу жараён табиий конунлар, табиатнинг ночорлиги ва инсониятнинг фавкулотда тез купайиши билан богликдир. Шу сабабли халк уз азоб-укубатлари учун инкилоб ва социал ислозхатлар ёрдам бера олмайди.

Бунда факат бир тугри йул бор- бу ахоли сонини кискартириш. Ута купайиши олдини олиш воситаси, чораси сифатида «Ахлокий чидаш», «Огир мехнат ёки турли бахтсизликлар» очлик, кошшоклик, касаллик, эпидемия, уруш ва бошкалар таклиф этилади.

Мальтуснинг бу нихоятда реакцион хулосалари каттик танкидга учради. Тугилишни камайтириш учун у никох ёшини оширишни, давлат томонидан болаларга бериладиган нафакаларни бутунлай бекор килишни таклиф килди.

Мальтус бу танкидлардан хулса чикариб,1820 йилда уз асарини кайта ишлаб чикди ва унда уз фикрини анча юмшатишга интилди:ахолини улимга махкум этадиган бало - офатларни зарурий деб хисоблашдан воз кечди ва кечирим суради, уни нотугри тушунганликларини айтиб утди, аммо у узининг бош фикрини инкор

этмади. Мальтус гояларидаги бу илмий чалкашларга карамасдан ундан бир канча ижобий фикрлар мавжуд. Хозирги даврда ривожланаётган мамлакатлардаги огир ахволни тушунтиришда бу олимнинг карашлари тугри ривожи характерлади. Агар бу ерда 1950-60 йилларда ахолининг усиши йилига 3% ташкил этган пайтда иктисодий ривожланиш паст булган булса, 90 йилларда ахолининг усиши 1% тушган пайтга келиб иктисодий усиш кескин ошди. Марказий Осиё мамлакатларида хам ахолининг усиши катта булиб, иктисодий ривожланиш муаммоларини хал этишда бу омил баъзи гояларидан фойдаланиш яхши самара беради.

9-мавзу: Гарбий европа хаелий социалистларининг

иктисодий таьлимотлари.

## **Режа**:

1. Хаёлий социализм вужудга келишининг ижтимоий оитисодий шарт-шароитлари.
2. Сен-Симоннинг иктисодий карашлари.
3. Ш. Фурьенинг иктисодий тизими.
4. Р. Оуеннинг иктисодий концепциси.

Таянч суз иборалари:

1. Сен-Симон Клод Анри (1760-1825)-Франция хаёлий социализмининг вакили, аммо у хусусий мулкни саклабколиш тарафдори булган.
2. Фурье Франсуа Мари Шарль (1772-1837) Франция хаёлий социализмининг вакили, келажакни синфсиз курган. (иш багишлаши зарур)
3. Оуен Роберт (1771-1858)-инглиз хаёлий социализмининг вакили, келажакда хусусий мулкни инкор этган.

## Реферат мавзулари:

1. Сен-Симоннинг иктисодий карашрали.
2. Ш. Фурьенинг иктисодий тизими.

## Асосий адабиётлар:

1. «Иктисодий таьлимотлар тарихи» Тошкент Фан 1997.
2. Ядгаров Я. С. «История экономических учений» М 1997.
3. Улмасов А. «иктисодиёт асослари» Тошкент 1998.

1.Хаёлий социализм вужудга келишининг ижтимоий-иктисодий асослари.

Сциалистик ва комунистик гоялар 16-18 асрларда яратилган илмий адабий киймати турлича булган бир канча асарлар уз урнларини топадилар. Лекин бу хам хаёлий социализм шаклланиши арафасидаги дастлабки гоялар эди, холос. Хаёлий социализмнинг хакикий ривожланиш даври 19 ярмига тугри келади. Бу даврда Гарбий европа капиталистик муносабатлар ривожланиб, синфий зиддиятлар ошкор булди. Бойлик ва кашшоклик уртасида умумий тукнашувлар юзага келди. Янги шаклланган ишчилар синфининг келажак, жамият хакидаги орзу истакларини хаёлий социалистик Сен-Симон, Шурье ва Оуенлар уз асарларида курсатиб, мавжуд капитализмни танкид киладилар. Бу олимлар гурухи иктисодий фан ривожига катта хисса кушиб, илк бор капиталистик муносабатлар абадий эмаслигини, унда иктисодий кризислар мавжуд булишини  курстиб утдилар. Хаёлий социалистлар классик иктисодий мактаб вакилларидан фарк килиб, капитализмни ички зиддиятларини мехнаткашларнинг камбагал кашшоклари мисолида ёритдлар. Улар капиталистик ишлаб чикариш муносабатларини танкид килиб,жамиятнинг барча аьзоларига бахт келтирадиган янги жамият юзага келади, деб ишчиларни ишонтирдилар.

Хаёлий социалистлар янги жамиятнинг адолатли ижтимоий тузум лоихаларини баён этиб, истеъмол ва таксимотни кайта ташкил этиш билан чекланиб колмасдан, балки ишлаб чикаришни тубдан узгартиришни таклиф килдилар.

Улар бе нуксон ижтимоий тузумлрни турлича «Сен-Симон индустриализм, Фурье гармония, Оуен эса комунизмдебатадилар. Лекин уларнинг барчаси эксплуатациянинг йук булиши, аклий ва жисмоний мехнат уртасидаги карама0каршиликнинг бартараф этилиши хамда хусусий мулкнинг йук булиши, тугрисидаги фикрларни бир хил такрорладилар 18 асрнинг охири-19 асрнинг бошларида Гарбий Европада ишлаб чикаришнинг хукумрон шакли манафактура булиб, фабрика ишлаб чикариши эндигина шакилланаётган эди. Капитализмнинг моддий шароитлари ва ишчиларнинг жамиятнинг асосий синфи сифатида шакилланиши дастлабки боскичларда эди.

Хаёлий социалистлар ижтимоий адолатли жамиятга утиш йулларини аник курсата олмайдилар, лекин улар синфий манфаатлар

карама-каршиликларини таькидлаб утдилар. Улар ишчиларсинфига эзилган жабрланувчи синф сифатида караб, асосий этиборни онгни ривожлантиришга, уз гояларини ташвикот килиб камуналар, «фланстерлар» оркали хаётга тадюик этишга каратдилар. Мехнаткашларни озод этишнинг моддий шароитлари яратилмаганлиги туфайли хаёлий социалистлар булажак жамиятнинг фантастик лойихаларини таклиф этдилар. Улар узларини синфлардан юкори куйиб, жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини ифода эаётганликларини курсатмокчи булди. Шунингдек, сиёсий кураш, революцияларни рад этиб, ижтимоий адолат гояларини ташвикот килиш йули биланжамиятни кайта тузишни орзу килдилар. Мана шуларнинг барчаси гояларнинг хаёлий булиб колишига сабабчи булди Бирок, хаёлий социализм узининг чекоанганлигига карамасдан, капитализм оёкка тураётган боскичда прогрессив таьлимотлар каторидаалохида урин эгаллаганлигини айишимиз лозимдир.

2. А. Сен-Симоннинг иктисодий карашлари.

Анри Клод де Ребруа Сен-Симон (1760-1825й) Франция хаёлий социализмнинг намояндаси булиб, 1789-1794 йиллардаги француз инкилоби билан замондош эди. У аристократлар оиласидан келиб чиккан булиб, куйидаги машхур асарларнинг муаллифидир: «Саноат системаси хакида», «Инсон хакидаги фан очерклари», «Саноат сиёсий, маьнавий ва фалсафий мулохазалар», «Янги христианлик» ва бошкалар.

Францияда буржуа инкилобидан кейин капитаизм яна тез ривожланади. Жамият олдида доимий равишда кундаланг булиб колган янги саволларга француз мутафаккири Сен-Симон биринчи булиб жавоб беришга уринди.

Сен-Симон махсус иктисодийтадкикотларни амалга оширмади, балки асосий этиборни ижтимоий муаммоларга каратди. У бутун умидини акл-идрокга марифатга боглади, инсоннинг акл-идрокни тарихий жараённинг тула хокимининг рахбари, жамиятни яхши тарзда куриш йулларини ташвикот килишни эса уз таьлимоти амалга ошиоилишининг бош воситаси деб хисоблади.

Француз маьрифат парварларидан фарк килиб, Сен-Симон ишлаб чикаришдаги инсон фаолияти, мулкчилик формалари каби иктисодий факторларга катта бахо берди. У «Илк давр» «Урта асрлар», «Хозирги» давр ва «Олтин аср» ларни алохида ажратиб, ижтимоий иктисодий формаларни курсатиб утди. «Хозирги давр» (Яъни 19 асрнинг иккинчи ярими) утиш давр деб белгиланиб, «... бу давр, деб ёзади Сен-Симон, олимлар, тадбиркорлар, улар кирол хукмати билан биргаликда одил жамиятни бирпо этишлари керак, бу эса уз навбатида «Олтин аср» га кириб келишни таьминлайди.»

Сен-Симон узининг тарихий концепциясидан келиб чикиб, хозирги даврни урганиб бориш учун утган даврга назар ташлаш кераклигини айтиб, «хар бир алохида олинган давр мулохазаси жуда юзаки, хатто нотугри хулосаларни беради, суниб бораётган утмиш колдиклари ткгилибкелаётган келажак билан кориштириб юборилади», деб курсатади.

Тарихийлигига карамай Сен-Симоннинг жамиятнинг ривожланиш концепцияси идеалистик эди, чунки унинг асосини фан тараккиётини. Онг ва равнаки ташкил этарди.

Лекин унинг идеалистик тарихий концепциясида айрим материалистик фикрлар хам йук эмас. Жумладан, Сен-Симон шахарлар, саноат ва савдонинг ривожланиши буржуазиянинг шаклланишига сабаб булганлигини, иктисодий холат эса, муокчиликка тобеь булган, узига хос ижтимоий тарихий формаларни вужудга келтиришини айтиб утади. «Хокимитва бошкарув белгиловчи конун хам, деб ёзади у, мехнат фаровонлигини тулик таьминлай оладиган мулкчилик ва ундан фойдаланишни бегиловчи конундек катта ахамиятга эга эмас».

Сен-Симон булажак адолатли жамияти индустриал система деб номланиб, уиндустриал жамият йирик саноат алохида режа асосида бошкарув эса ягона индустриал маркоз оркали амалга оширилади деб хисоблаган эди.

Саноат ишлаб чикаришнинг тараккиёти ва махсулотларни таксилаш олимлар томонидан олиб борилади. Катта тажрибага эга булган саноат капиталистлари бошкарувни ташкил килиш билан машгул буладилар, ишчилар эса ишлаб чикариш режаларини бажариш учун астойдил мехнат килишлари зарурдир.

Сен-Симон янги ижтимоий ташкилотни вужудга келтиришда айникса саноат анархияга (хокимиятсизликка) йул куймаслига ва режа асосидаги марказий бошкарувга катта эьтиюор беришни таклиф этади. Гарчи Сен-Симон янги ижтимоий тузумнинг хаддан ташкари мужмал манзарасини тасвирлаган, шу жамиятга боришнинг нотугри катта йулини курсатган булса хам , унинг тахминлари катта келажакка молик эди. У пролетариатнинг назариётчиси эмас эди ва шу сабабли унинг тарихий ролини тушунмади. Айни вактда у ишчилар ахволининг накадар огирлигини курди. «Менинг максадим, деб ёзган эди у, Европадаги эмас, бутун дунёхам синфнинг кисматини енгиллаштиришдан иборат». У давлатни «одамларни бошкариш куроли» дан ишлаб чикаришни ташкил этиш, фан ва саноат тараккиётини таьминлаш, яьни «нарсаларни бошкариш куроли»га айлантириш, тартиб, осоишталикни назорат килишни эса жамоатчиликка топшириш керак деган гояни илгари сурди. Сен-Симоннинг янги индусриал ситемаси социалистик жамият эмас эди, чунки унда хусусий мулкчилик, капитал жамгариш, банкирлар ва тадбиркорлар синфлари мавжуд эди. Бу эса уз навюатида умумхалк мехнатига асосланган режали кенг ишлаб чикаришни инкор этади.

Сен-Симон асарларининг асосини капитализмни танкид ташкил этади.У ишлаб чикариш ва таксимотдаги анархияни ракобат, халк оммасининг кашшоклашуви ва ишчиларнинг аянчили ахволидагина капитализм иллати деб хисоблайди.

Олим ишчилар капиталистлар ва савдогарларни бир синф вакиллари деб атадлар. Феодал жамиятнинг хоким синфлари булган дворянлар рухонийлар ва бошка амалдорларни бефойда кераксиз синфлар деб хисоблади. Шуни айтиш керакки, Сен-Симон капитализмни илмий равишдатанкид килмади, Буржуа жамияти буйсуниши зарур булган иктисодий конунларни этибодан четда кодирди, мехнатнинг эсплутациякилинишини эса кура билмади.

Сен-Симон таьлимотларни ташвикот килишда унинг шогирдлари О. Родриги, В.Анфонтен ва О. Базарлар катта роль уйанадилар. Улар «Сен-Симон таьлимоти» китобини нашр килдириб, унинг назар карашларини бойитдилар. Лекин бу олимлар хам буржуа жамиятининг асосий синфлари ва улар уртасидаги синфий кураш мохиятини тулик тушунмадилар, натижада 19 асрнинг 30-йилларига келиб, Сен-Симон мактаби тор доирага айланди ва таркалиб кетди.

3.Ш. Фурьенинг иктисодий тизми.

Француз хаёлий социализмининг яна бир йирик намояндаси Франсуа Мари Шарль Фурьедир (1772-1837й) езансон шахрида савдогар оиласида дунёга келиб, бутун хаёти мобайнида савдо билан шугулланди. Буш вактларида маьлумотини тулдириб, муста кил равишда физика, астраномиява фалсафа фанлари билан шугулланди, ижтимоий тадкикотларни амалга оширди. Шарль Фурье узининг «Тугри харакат ва муштариктадкикотлар назарияси», «Умумий бирлик назарияси», «Савдо каллобликги хакида», «Янги саноат дунёси ва ижтимоий дунё » номли асрлари ва катор маколалариа капитаиктик жамиятни кескин танкид килди ва ижтимоий адолатли жамият барпо этиш дасткрини ишлаб чикди. Унинг тасвирлашича, инсон узи яшаётган жамиятнинг барча ярамас иллатларидан тозаланиши лозим, шундай ижтимоий тузум урнатиш керакки, бу тузум инсоннинг камол топишига, этиросларни туликнамоян килишга , эхтиёжларни кондиришга имкон берсин.

Ш.Фурьекишилик жамиятининг тарихий ривожланишини урганишга узининг катта хиссасини кушди. Ф.Энгелс «Анти Дюринг» асарида шундайдеган эди: «Утмишнингасосий этаб(боскич)лари» Ш.Фурьенинг гениаллиги кенг намоян булди. У жамият уз ривожланишида ёввойилик, патриархарчилик, варварлик ва цивилизация (маданият) боскичларини юосию утганлигини курсатиб берди.» Бундай таксимот гарчанд ишлаб чикариш тараккиёт даражасини хисобга олган булса-да лекин ишлабчикариш муносабатларининг характерини ва моддий ишлаб чикаришда ишлаб чикариш усулининг турличалигини инкор этади. Шунинг учун варварликка кулдорлик веодализм каби турлича ижтимоий иктисодий жамиятларкирилади. Цивилизация фаврини эса у капитализм вужудга келши билан боглайди. Лекин шуни айтиш керакки, унинг карашларига хас хусусиятхар бир даврнинг асосий фактори сифатида факат ишлаб чикариш даражасигина эмас, балки инсон

эхтиросларини ва табиати уйгунлигини хам алохида ажратиб куратишдир.

Шундай килиб ана шу холатлар муаянлигининг вужудга келиши уз навбатида цивилизациялар уринигахар томонлама ривожланган ассосациялар (уюшмалар) ташкил топишга сабаб булади.

